

# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2011-yil 23-sentyabr • №39 (4126)

## ЮРТ МЕҲРИНИ ДИЛГА ЖО АЙЛАБ

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

Ёз чилласи оёқлаётган палла эди. Қуёш ўз ҳароратию тафтини ўлкамиз узра аямай сочмоқда. Тўқлик-тўкинчилигимиз учун бу айни муддао. Пахталаримизнинг жони киради, меваю узумлар, полиз маҳсулотлари болга тўлади. Сирдарё вилоятидан ўтиб бориб, Жиззах, Навоий вилоятлари ҳудудларини кезамиз. Кенгликларга ярашган бағрикенг одамлар. Улар самимий, истаралари иссиқ, боқишларию туриш-турмушлари инсоний фазилатларга лиммо-лим. Жиззах вилоятининг Фориш тумани ўрмон хўжалигида умр бўйи турли юмушларни адо этиб келаётган Носир ака Ҳакимов ва Асрор ака Азизовнинг фарзандлари Дилшодбек билан Аъзамжон ҳамроҳимиз. Улар бу тарафларнинг сир-асрорини яхши билишади.

Табиатнинг икки мўъжизаси оралиғидаги чўлда шимол томон ошиқамиз. Чап ёғимизда пасту баланд чўққилар, яланғоч қоятошу тақир қияликлардан иборат Нурота тоғлари илгарилаб кетган. Ўнг тарафда олис-олисларда уфқларга туташган улкан Айдаркўл. У Нурота тоғлари билан баҳс бойлашгандек олға чўзилиб ётибди, ажойиб манзара! Ёзнинг айни йигитлик даври эканига қарамай, ҳарорат жонга тегарли даражада эмас. Бундай мўътадил мувозанатни тоғдан эсаётган майин шабада ва мовий кўл салқини мувофиқлаштириб турган кўринади. Бора-бора тақир далаларда саксовул ниҳоллари кўрина бошлади. Чўл бағридаги бу яшил бойликлар ўз ерларини жон-дилдан севган фидойи ўрмончиларнинг йиллар оша узлуксиз меҳнатлари меваси эди!..

Ҳар нарсани интиҳоси бўлганидек, Нурота тоғлари пасая бориб, тепалик, дўнгликлар ва ниҳоят текисликлардаги битмас-туганмас саксовулзорлар бағрига сингиб кетди. Во ажабо, айнан шу ҳудудда Айдаркўл ҳам парча-парча бўлакларга бўлиниб тугади. Биз Навоий вилоятининг Конимех туманидаги Боймурод жамоа хўжалиги ҳудудига етиб келган эдик. Энди манзара бутунлай ўзгарди: асфальт йўлни кўп ўринларда Айдаркўл ишғол этган, қумга ботган саксовулзорлар оралаб ясалган кўлбола йўллардан айланиб ўтиш керак эди. Баъзи қум қалин жойларда энг эпчил транспорт саналмиш "Нива" ҳам тўхтаб қолар, ёрдамимизга муҳтож бўларди. Шу алфозда йўл юриб, йўл юрсак ҳам мўл юриб, ниҳоят кўзланган манзилдамиз. Бу бепоён қум барханлари ва саксовулзорлар бағрида бинойидек яшаётган метин иродали Рустам Ирисовнинг қўй отари эди. Анча қурғоқчил келган бу йилда уч юз бошдан ортиқ совлиқларини, ўнлаб туяларини соғ-омон асраб юргани, ҳаёт шароити ҳавас қилгудек.

Давоми иккинчи саҳифада.

## КУЗ ҲИКМАТЛАРИ




## АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОДЛАР

Ватан учун яшайлик!

Бундан анча йиллар олдин ўзбекистонлик бир гуруҳ ёшлар Россиянинг марказий шаҳарларидан бирида халқаро анжуманда қатнашган эдик. Ғарблик бир олим собиқ иттифоқ ҳудудида эндигина урф бўлаётган компьютернинг тарихи, бугуни, эртаси ҳақида маъруза қилар экан: "Электрон ҳисоблаш машиналари тамал тоши ўзбек алломаси Ал-Хоразмий томонидан қўйилган, компьютер асосини ташкил этувчи "алгоритм" атамаси унинг номидан олинган", деди. Ва қўшимча қилдики, "бу — худди Исаак Ньютоннинг бутун олам тортишиш қонуни, Альберт Эйнштейннинг нисбийлик назарияси сингари башарият илми тараққиётида туб бурилиш ясаган кашфиётлар сирасига киради".

Мажлис аҳли бир-бирига ажабланиб қаради. Чунки аксарияти, шубҳасиз "алгоритм" истилоҳини билса-да, унинг қанақадир Ал-Хоразмий номи билан боғлиқ эканини эшитмаган, мабодо эшитган бўлса ҳам билишга бўйни ёр бермас эди. Бугина эмас. Улар ўзбек олимларидан Ал-Фарғоний математика фани асосчиларидан бири эканини, Ал-Беруний ўз асарларида Америка қитъасини Христофор Колумбдан анча олдин кашф этиб қўйганини, Мирзо Улуғбек устурлоб ясаб, юлдузларнинг мукаммал жадвалини биринчи бўлиб яратганини, тиббиёт фанининг падари бузруквори бухоролик Ибн Сино эканини, жаҳонда биринчилардан бўлиб демократик фуқаролик жамияти асосларини кўрсатиб берган, ғарбда Аристотелдан кейин ҳақли равишда "Муаллими соний", яъни иккинчи устоз, деб тан олинган Ал-Форобий ҳам шу ўлка фарзанди эканини билишмас, аниқроғи, билгилари келмас эди. Улар ҳатто улуғ ва қудратли салтанат барпо этиб, дунёнинг бешдан бирида осойишталик ва тартиб ўрнатган, шарқ ренессансига асос солган, Россияни мўғуллар истибдодидан қутқариб, марказлашган давлат тузиши учун имконият яратган соҳибқирон Амир Темурни уялмай-нетмай "қонхўр босқинчи", деб атар эдилар.

Сирасини айтганда, уларни қўйинг, ўзимизнинг юртда ҳам кўпчилик етарли маълумоту тасаввурларга эга эмас эди бу ҳақда. Чунки истибдод мафкураси тарихни ҳам ўз манфаатига мослаб қайта ёзган, чин ҳақиқатни қоронғи зах ертўлаларда чиришга, "иккинчи сорт", деб қаралувчи мустамлака халқлар кечмишини тақиқларга, ҳақорату камситишларга маҳкум этган эди.

Давоми иккинчи саҳифада.

## МОДЕРН-БАЛЕТ ЎЗБЕК САҲНАСИДА

Ўзбекистон рус академик драма театрида Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган "Д7 modern danse" модерн-балет намойиши бўлди. Мазкур тадбир Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Миллий рақс ва хореография олий мактаби ҳамда Нидерландия Қироллигининг "SILK BEK" маданият Фонди ҳамкорлигида ташкил этилди. Постановка раҳбари — таниқли Европа хореографи Олимжон Бекназаров.

Ўзбекистоннинг Бекобод шаҳрида туғилган О.Бекназаров Санкт-Петербург маданият ва санъат институтини, сўнгра Роттердам рақс академиясини тамомлаган. Йигирма йилдан буён Роттердам шаҳрида modern danse усулида балет постановкаларини қўйиб келади.

Хореограф ўзбек санъаткорлари билан мунтазам ижодий ҳамкорлик қилиб келади, ҳамкорликдаги турли рақс лойиҳаларида қатнашади. Навбатдаги ижодий ишни Миллий рақс ва хореография олий мактаби билан ҳамкорликда амалга оширди. Постановка учун олий мактабнинг энг истеъдодли талабаларидан ҳамда Алишер Навоий номидаги театрнинг ёш артистларидан иборат гуруҳ тузди.

Модерн-балет намойишидан ташқари Олимжон олий мактабда маҳорат дарсини ўтди. Дарсдан сўнг О.Бекназаров билан суҳбатлашишга муваффақ бўлдик.

**— Олимжон, модерн-балет лойиҳасининг Ўзбекистонда амалга оширилиши таассуротлари ҳақида билишни истардик.**

— Талабалар билан биринчи марта ишлашим. Менга уларнинг ишга муносабати, ишдан қочмаслиги жуда ёқди. Умуман, юртимиздаги лойиҳаларни кўтаринки руҳда ўтказаман. Кўп мамлакатларда бўламан, бундан ташқари Роттердамдаги ихчам труппам билан "modern danse" спектаклларини мунтазам кўрсатамиз. Шу йўналишда бу ерда учта балет қўйдим ва ҳар сафар яхши ижодий кайфият билан қайтдим.

Давоми бешинчи саҳифада.

## ИБРАТХОНА УЧУН ИБРАТЛИ ИШЛАР



Ўзбекистон миллий академик драма театри жамоаси томонидан давримизнинг долзарб муаммоларидан бири — одам савдоси мавзуига бағишланган "Огоҳ бўлинг, одамлар!" спектакли саҳналаштирилгани томошабинларга яхши маълум. Ушбу асар пойтахтимиздан ташқари барча вилоятларда ҳам намойиш этилди. Асосан ёш актёрлардан ташкил топган ижодий гуруҳга етакчилик қилиш вазифаси менга топширилди. Сафаримиз давомида турли шаҳар ва қишлоқларда бўлиб, истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини ўз кўзимиз билан кўришга мушарраф бўлдик. Юз бераётган ўзгаришлардан ҳайратландик. Мисол учун, Самарқанд шаҳрига сафар қилган инсон унинг бугунги янги қиёфасини сўз билан ифодалаб бериши мушкул. Кўҳна масжиду мадрасалар ва тарихий обидалар билан уйғун равишда қад ростлаган замонавий мажмуалар, кўркам бинолар киши кўзини қамаштиради.

Сафар чоғида вилоят театрларидаги ижодий жараён билан ҳам яқиндан танишдик. Шу аснода беихтиёр шўро давридаги адолатсизликлар, саҳна санъатига панжа орасидан қараш, уни миллий қадриятларимиздан узоқлаштиришга уринишлар ёдимга тушди. Ўша даврда вилоят театрлари пойтахт театрларидан бир поғона пастда эди. Бу актёрларнинг ҳам онгига сингдирилган, натижада уларнинг ижодий фаоллиги чеклаб қўйилганди. Минг шукурки, эркимизни қўлимизга олганимиз шарофати билан санъатда марказлаштиришдек бир ёқлама сиёсатга чек қўйилди. Мустақиллик йилларида кўплаб машҳур режиссёр ва актёрлар айнан вилоят саҳналаридан етишиб чиққани бунга исбот. Ҳозирги вақтда вилоят театрларидаги актёрлар маҳорати, саҳналаштирилаётган спектаклларнинг савияси пойтахтдан сира қолишмайди. Бухоро шаҳрида қурилган маданий марказ ва унинг таркибидаги мусиқали драма театри каби муҳташам санъат даргоҳи Марказий Осиёда ягона. Мазкур мажмуани кўздан кечириб, бир олам таассуротга эга бўлдим. Саҳнанинг техник имкониятлари ниҳоятда кенг. Декорацияларни қўл меҳнатисиз автоматик кўчирувчи ускуналар, замонавий ёритгичлар, акустик анжомлар, барча-барчаси муҳайё. Агар маърифатпарвар бобомиз Беҳбудийнинг "Театр — бу ибратхонадур" деган дурдона фикрини ёдга олсак, бугун театримиз, умуман театр санъатига кўрсатилаётган эътибор ибратхона учун ҳақиқатан ибратли ишлардир.

Театр санъатида юз берган ўзгаришлар, соҳада амалга оширилган ислоҳотлар ҳақида кўп ва хўп гапириш мумкин. Узоққа бормайлик, яқин-яқингача саҳнада буюк аждодларимиз сиймоларини кўриш орзусида эдик. Санъатимиз дарғалари бутун умр Амир Темур образини яратиш армонида ўтди. Устозлар орзусини рўёбга чиқариш биз шогирдларига насиб этди. Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ буюк бобокалонимиз ҳаёти ва фаолиятига бағишланган спектакллар саҳналаштирилди. Навоий, Беруний, Фарғоний, Спитамен, Тўмарис каби буюк тарихий шахслар сиймосини ўзида акс эттирган асарлар саҳна юзини кўрди.

Шу ўринда ўзим фаолият юритаётган Ўзбек миллий академик драма театри ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Назаримда, бу санъат масканига ортиқча таъриф ва тавсиф беришнинг ҳожати йўқ. Ушбу даргоҳнинг ўзбек саҳна санъатидаги ўрни ва аҳамияти барчага маълум. Афсуски, илгари театр фаолияти, техник имкониятларига бўлган эътибор ҳамиша ҳам кўнгилдагидек эмасди. Ажабланарли томони — театр учун ҳатто махсус бино барпо этилмаган. Узоқ йиллар давомида саҳна томошалари учун мослаштириб берилган собиқ "Ватан" кинотеатрида фаолият юритишга мажбур бўлдик. Ҳар сафар Навоий кўчасидан ўтар эканман театрни кўриб, "Бу даргоҳда не-не буюк санъаткорлар, уларнинг истеъдодли давомчилари ижод қилса-ю, салоҳиятига муносиб бинога эга бўлмаса", деган ўй-фикр кўнглимиздан ўтган дамлар кўп бўлган.



Яратганга минг қатла шукурки, истиқлол йилларида саҳна ижодкорлари, улар яратган асарлар ўзининг ҳақиқий қадр-қимматини топди. Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги арафасида театримиз биноси қайтадан бунёд этилиб, муҳташам санъат кошонасига айлантирилди.

Давоми бешинчи саҳифада.

## АЁЛЛАР ГУЛДАСТАСИ

Кўргазма залларида

Бадиий академиянинг кўргазмалар залида уч аёл рассом — Сайра Келтаева, Искра Шин ва ҳайкалтарош Марина Бородинанинг нафосатга бурканган рангтасвир ҳамда ҳайкалтарошлик асарлари намойиш этилмоқда. Бу асарларда дунёнинг сирли мўъжизакорлигини, табиатнинг турфа хил рангларини, англаб бўлмас оний чизгиларини кўриш мумкин. Улар нафақат борлиқни, балки ўз қалб кечинмаларини асарларида жонлантиришга ҳаракат қилишган.

Искра Шинни табиат шайдоси, куйчиси дейиш мумкин. У мавзу ва рангни табиатдан олади. Асар яратаётганида мойбўёқни қуюқлаштириб, масиҳинда бўрттириб ишлайди. Искранинг манзараларида турли-туман гуллар тароватн ўзгача, ранглар эса рақсга тушаётгандек... Жумладан, Шаҳрисабз ҳудудида жойлашган Ғилон қишлоғи манзараларини жуда кўп ижодкорлар ўзига хос тасвирлашган. Искранинг "Ғилон манзаралари", "Янгиобод", "Шоҳизинда" асарлари бошқа рассомлар асарларидан тубдан фарқ қилади. Улар томошабинни гўё оҳанграбодек ўзига тортаверади. "И.Шиннинг ўз йўналиши, ўз услуби бор,— дейди санъатшунос Зуҳра Зайнутдинова. — Унинг асарларида борлиқнинг софлигини туясиз. Искра асарларида табиат байрамона тантана қилади."

Давоми бешинчи саҳифада.

## НИМА БУ — ТЎҚЛИККА ШЎХЛИКМИ?

Куюнчак газетхондан мактуб

Бир пайтлар ҳовли, уй-жой деганда йилига таъмир талаб қиладиган омонатгина бошпана тушуниларди. Сабаби, одамлар данғиллама иморат қуриб, кўпнинг эътиборига тушишдан қўрқар, мавжуд тузум уларнинг эмин-эркин яшашига йўл қўймас эди. Бунинг устига ҳаммада ҳам бундай имконият йўқ эди.

Истиқлол йилларида юртимизда кенг кўламда ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Шаҳару қишлоқларимиз янгидан чирой очди. Шунинг баробарида уй-жойга бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Маҳаллаларимизда меъморчиликнинг шарқона ва европа усуллари уйғунлигида кўркам иморатлар қад ростламоқда. Энди мана шундай пойдевори мустаҳкам уйларда бир неча авлод бемалол умргузаронлик қилиши учун шарт-шароит етарли, қайта қуришга зарурият сезилмайди. Қишлоқ жойларида давлат томонидан одамларнинг буюртмасига биноан қурилаётган ҳовлиларни айтмайсизми.

Демоқчиманки, ўзгалар ютуғига ҳасад билан эмас, ҳавас билан қарашимиз, уларнинг ибратли ишларидан ўрнак олишимиз лозим. Ўша баланд-баланд иморат қураётганлар қўшнимиз, қариндошимиз ёки етти ёт бегона бўладими меҳнатига, ҳаракатига, қолаверса, ишбилармонлигига яраша яхши даромад топаётган экан, замонавий ва ҳар томонлама қулай уйларда яшашга ҳам ҳақли.

Куни кеча шаҳримиздаги обод маҳаллалардан бирига йўлим тушди. Кўчанинг икки ёнидаги икки-уч қаватли уйлар бирбиридан чиройли, қараган сайин кўз қувнайди: нақшинкор тўсиқлар, акфа деразалар, томлар тепасида ер йўлдошига уланган антенна, кўча тарафида анвойи гуллар бўй таратиб турибди.

Манзарага маҳлиё бўлиб секин одимлаб борарканман, шундоққина дарвоза ёнига чиқариб қўйилган чиқинди тўла идишлар эътиборимни тортди. Улар орасида нон бўлаклари ҳам бор эди. Ҳа, энди битта-яримта ёш-яланг билмасдан ташлаганда, деб тўрт-беш қадам юргандим ва яна айнан шундай ҳолатга дуч келдим. Нима бу — тўқликка шўхликми ёки бу хонадонларда истиқомат қилаётганлар чиндан ҳам нон энг азиз неъмат эканини унутиб қўйишганми? Шундай инсонлар нонсиз бир кун яшай олишармикан? Шуни ҳеч ўйлаб кўришмаганмикин? Тўғри, баъзан рўзғорга олиб келинган нон бирон сабабга кўра истеъмолга яроқсиз бўлиб қолади. Лекин бу уни чиқиндига қўшиб кўчага ирғитинг, дегани эмас-ку? Ноннинг бўлаги, ушоғи ҳам — нон. Ахир, то дастурхонимизга етиб келгунча ушбу неъматга қанчадан-қанча одамларнинг меҳнати синган. Ота-боболаримизда қадим-қадимдан нонни увол қилиш оғир гуноҳ саналади. Шу боисдан нуроний қарияларимиз ерда ётган нон ушоғини кўрганда кўзларига суртиб, бир четга олиб қўядилар.

Маҳаллада яшайдиган оилалар рўзғоридан ортган нон бўлакларини чиқиндига қўшиб ташлаб юбормай, ҳеч бўлмаса, ҳовлисида мол-ҳоли, паррандаси бор хонадонларга берса, бу ҳам, ахир бир савоб-ку?!

Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушди. Бундан анча йиллар илгари отам билан бир йиғинга бордик. Ош тортилди. Ошдан сўнг дастурхонга дуо ўқилди. Мен бир тишлам нон бўлагини четга суриб қўйдим. Шунда отам менга секингина "Насибангни қолдирма, ушатилган нонни ташлаб кетма", деб уқтирдилар. Бу воқеадан хулоса шуки, тарбия, шу жумладан, нонга ҳурмат ҳам аввало оилада шаклланади.

Наҳотки, қават-қават иморат солишга ақли, қурби етган айрим замондошларимизнинг нонга қолганда ақли оқсаса? Ёки аҳли аёлига, фарзандларига нон табаррук неъмат эканини тушунтиришга вақти ҳам, хоҳиш-истаги ҳам йўқмикан?!.

Асрор ҒАФУР

# ЮРТ МЕҲРИНИ ДИЛГА ЖО АЙЛАБ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Қум барханлари бағрида қурилган бежирим уйда ҳатто меҳмонлар учун ҳам шинам хоналар мавжуд. Қишин-ёзин зарур барча шароитлар бор: катта тармоққа уланган электр, табиий газ, ёнбошдаги қудуқдан мотор орқали истаганча зилол сув тортиб олиш мумкин. Алоҳида-алоҳида жойлашган ошхонаю овқатланиш хонаси, очиқ ҳаводаги тапчанлар... Буларнинг бари осонликча юзага келмаган. Ҳамма-ҳаммасини Рустамжон ва унинг рафиқаси Нурсулув эпчиллиги, тадбиркорлиги эвазига яратган. Ватан меҳрини дилига жо айлаган йигит вафодор ёри мададига таяниб йўқдан бор қиляпти, борларини эса кўпайтирмоқда. Бир ўғил ва бир қизни ҳам ҳеч нарсага зориқтирмай вояга етказмоқдалар.

— Қимрондан ичинг, ота, — қўлимга коса тутқазди майингина жилмайиб Нурсулув.

— Қандай бўларкин, биринчи марта... Қимрон номини эшитгандиму татиб кўрмагандим.

— Миҳдай бўлади, яшариб кетасиз, белингизга қувват қайтади, кучингизга куч қўшилади! — баланд овозда самимий хохолаганча муштини осмонга кўтарди Рустамжон.

— Туяларни соғиш хавфли эмасми, маст бўлса одамга ташланади, дейишади, — қизиқсиндим коса тўла қимронни бир сипқоришда тугатиб.

— Туя ҳам, бия ҳам, умуман ҳамма жонивор зийрак бўлади, қўрқоқларни бир қарашда кўзларидан уқволади-да, ана



ундан кейин тепадиям, тишлайдиям, қувадиям! Мен билан келинингиз қаршимизда бу туялар истаган пайтимизда бараварига тиз чўкадилар!..

— Атроф нуқул қум барханлари ва саксовулзор, устига устак боши-охири кўринмайдиган чўл зериктириб қўймайдими? — сўрайман қизиқувчанлигим ортиб.

— Нарироқ борган одам адашиб кетай дейди...

— Сизга чексиз-чегарасиз туюлаётган чўл бағри биз учун беш қўлдай маълум, — гапимни кесди пахлавоннамо қаддубастини тиклаб, тўрт томонга ишора қилар экан Рустамжон. — Бу тараф Айдаркўлга туташади, манови қуюқ саксовулзорлар оралаб тўрт-беш чақирим борсангиз, Қозоғистон орқали то Хитойгача ўтиб кетадиган катта трассага чиқасиз. Қолаверса, киндик қонимиз тўкилган кенгликлар жон-дилимиз. Бу тарафларда ўз ерини, касбини севган чорвадорлар жуда кўп. Биз доимо бир-бирларимиздан хабар олиб, дийдорлашиб, керак бўлса ёрдамлашиб турамиз...

— Қайтишда катта трассага чиқиб олсак яхши бўлар экан-да? — ўринсиз саволимдан хижолат тортиб, гапни бошқа мавзуга бурдим.

— Албатта, шундай қилган маъқул, — қум барханлари ва саксовулзорлар оралаб ўтиладиган масофани ҳижжалаб тушунтирди Рустамжон, — йўлингиз камида бир ярим баравар қисқаради...

Чапдаст йигитлар ҳеч қийналмай ўқдек тўғри асфальт йўлни топиб чиқдилар. Марказ томон ғизиллаб борар эканмиз, бу кенгликларда оёқларини она заминга маҳкам қўйиб, завқли ҳаёт кечираётган Рустамжон сингари фидойи инсонларнинг ёқимтой чеҳралари кўз ўнгимда ўчмас бўлиб муҳрланиб борарди...

* * *

Сафаримиз давоми Зомин ва Бахмал тарафларга кўчди. Зомин марказида улкан бунёдкорлик ишлари борарди. Лекин биз интиқ бўлган пурвиқор чўққилардан дарак йўқ эди.

— Зомин табиат миллий боғи олисдами? — сўрадик дуч келган мезбондан.

— Анау тоғ томонга яна юз чақиримча юрасиз...

Ҳа, сой ёқалаб юқорилаганимиз сайин манзара ҳам, ҳавонинг майинлиги ҳам кўтарилиб бораверди. Айниқса, Зомин сув омборидан ўтилгач, табиат кўркамлиги кескин орта бошлади. Турли ўсимликлар сал ўтмай ёппасига арчазорларга туташиб кетди. Ва ниҳоят Зомин табиат миллий боғи дарвозасига етиб бордик.

— Йўл бўлсин? — кескин сўроққа тутди миллий боғ ходимлари.

— Агар мумкин бўлса, Зомин санаторийсини томоша қилсак, машҳур "Шербулоқ" сувидан ичиб қайтиш ниятимиз ҳам бор эди...

— Аввал бу ерларда бўлганмисизлар?

— Довруғини эшитганмиз-у, биринчи келишимиз.

Йигитлар бизни текширишди, тегишли кўрсатмалар беришди ва қайтар соатимизни белгилагач, ўтказиб юборишди. Юқорилар эканмиз, ҳаво ҳарорати сезиларли пасаяр, сойнинг қўш саҳифаси қуюқ арчазорга айланиб борарди. Тоғ арчасининг ўзига хос ўткир иси бошни айлантирар даражада эди. Зомин санаторийси ва унинг атрофи кўп манбаларда таърифланганидан ҳам зиёда эди! Энг баландда жойлашган "Шербулоқ"нинг муздек зилол сувидан мириқиб симирдик. Бу жаннатмакондан сира ҳам кетгимиз келмас, аммо вақт чегараланган. Барча кўринарли жойларда: "Ўт ёқманг!", "Дарахтларни синдирманг!", "Ўрмон ичкарисига ораламанг!" каби лавҳалар ўрнатилган. Қайтар эканмиз, сойнинг хилват жойида ўсган бир тўп оққайинзор диққатимизни тортди.

— Жуда гўзал, шуни тасвирга олайлик!

Қайинзорга яқинроқ борган эдик,"Қани, ортингизга қайтинг!" деган буйруқ эшитилди. Сой ёқасида миллий боғ кийимида икки йигит турарди.

— Кимсизлар?!

Энди яқиндан танишиш фурсати келган эди.

— Дарвозадан ўтар чоғингизда айтсангиз-ку, ўзимиз бошлаб олиб юрар эдик, — деди миллий боғ бош ўрмончиси Бектемир Эргашев.

— Сизларни безовта қилмай, эркин-эмин кузатган яхши-да, қолган гапларни йўл-йўлакай гаплашаверамиз...

Миллий боғнинг умумий майдони салкам йигирма тўрт минг гектар. Ўрмон билан батамом қоплангани эса ўн икки минг гектардан зиёдроқ. Ўз касбининг моҳир мутахассиси Алишер Хўжаев раҳбарлигидаги ўрмончилар чиндан ҳам вазифаларини сидқидилдан бажаришар экан. Миллий боғ ҳудудига қадам босган ҳар қандай бегона одам улар назоратидан четда қолмайди. Бердиёр Турдиев, Мусаб Шойзоқов, Омон Маматқулов янглиғ лочинкўз қўриқчиларни ҳозирга қадар ҳеч ким доғда қолдиролган эмас...

— "Ўрмонда ўт ёқма!!!" каби огоҳлантирувчи ёзувларга қайта-қайта дуч келдик...

— Кўряпсизлар, Миллий боғ ҳудудининг асосий қисми тоғ арчаси билан қопланган, — дея изоҳ берди бош ўрмончи. — Худо кўрсатмасин, бирон учқун сачрагудай бўлса!.. Арчадек тез ва кучли ёнадиган дарахт йўқ. Ҳар қанча қаттиққўллик, талабчанлик билан бўлса-да, фалокатга йўл қўймаслигимиз, кўнгилсизликларнинг олдини олишимиз шарт!

— Кичик бир жойда оққайинзорни кўрдик...

— Ҳа, бу ҳақда, яхшиси, илмий ходимимиз Азамат Файзиев маълумот бергани маъқул.

Суҳбатлаша-суҳбатлаша Миллий боғ дарвозасига етиб келган эдик. Очиқ юзли навқирон йигит Азамат Файзиевнинг таъкидлашича, Миллий боғда асосан тоғ арчаси кўпайтирилмоқда. Бу даргоҳ 1978 йил ташкил этилган бўлса, ҳар йили камида ўн гектар майдон арчазорга айлантирилмоқда. 1996 йилдан бошлаб йигирма сотих намли ва серунум жойда оққайин ниҳоллари тажриба сифатида ўстириб кўрилди. Натижа кутилгандан ҳам зиёда. Демак, келгусида катта-катта майдонларда оққайинзорлар барпо этиш мумкин...

— Ҳар тарафдан какликлар хониши эшитилмоқда, жонли табиат аҳволи қалай?

— Дарвоқе, кези келганда айтиб ўтай, — суҳбатни давом эттирди бош ўрмончи. — Ҳудудимизда саккиз юзга яқин ўсимлик тури ўсаётган бўлса, йигирмадан зиёди дориворлар. Уларни авайлаб-асраймиз, турларини янада кўпайтириш ниятидамиз. Қуш ва ҳайвонларга келсак, уларнинг турларию сони етарли: айиқ, тўнғиз, жайра, силовсин, бўрсиқ...

— Аммо бирортасига дуч келмадик?

— Кундузи уяларида, пана-пастқамларда дам олишади, тунда овга чиқишади...

— Барибир одамзод билан ёввойи табиат орасида ҳозирча яқинлик йўқ, бир-бирларига ёвқараш қилишади, ҳатто бир-бирларини овлаш, ҳужум қилишдан ҳам қайтмайдилар, тўғрими?

— Афсуски, шундай, аммо биз эзгу ният билан яшаяпмиз, бора-бора албатта ёввойи жониворлар билан тил топишамиз, ҳамма иш ниятга яраша бўлади, деганларидай...

— Бу тоғларда алқорлар йўқми?

— Уларга очиқ майдонлар зарур, бизнинг шароитга кўникишлари қийин...

Республикамизда мавжуд иккита Миллий боғнинг бири мана шу. Саранжом-саришта жамоа ўз зиммасидаги ўта муҳим ва масъулиятли вазифаларни ситқидилдан бажармоқда. Зоминга туташиб кетган Бахмал тоғлари ва у ерда мавжуд ўрмон хўжалиги жамоаси ҳам Мустақил Ватанимиз бағрини яшил бойлик билан тобора кўпроқ безантирмоқда. Бир-бирига туташ бу эгиз тоғлар таровати йил сайин ортиб, гўзаллашиб бормоқда.

* * *

— Қалай, сайру саёҳат манзур бўлдими? — сўради форишлик ўрмончилар қайтар чоғимизда.

— Ҳаммаси рисоладагидай, аммо алқор ҳеч қаерда кўринмайди!..

— Кейинги сафар келганингизда Нурота қўриқхонасига бошлаб чиқиб, сиз соғинган алқорлар билан юзма-юз учраштирамиз, уларга кафтингизда ем едирасиз, — ишонч ва самимият билан суҳбатни якунлади Асрор ака Азимов.

Қўл сиқиб хайрлашдик.

**Асад АСИЛ**

*1 октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни*

# УСТОЗ БИЛАН УЧРАШАМИЗ

Бугун кўнглингни тоғдек кўтарадиган, дилдаги фахру ифтихор туйғусини тўлқинлантирадиган ажиб бир ҳолатга тез-тез гувоҳ бўласиз: икки киши — шоиру ёзувчи, талабаю тадқиқотчи, олиму мураббий, бир сўз билан айтганда, адабиёт ихлосмандлари учрашиб қолса, суҳбат жараёнида, албатта, Алишер Навоий асарларининг янги ўн жилдлиги нашрдан чиққани тилга олинади. Унинг аввалги йигирма жилдликдан фарқли жиҳатлари ҳақида гап боради. Китоб нархи сўраб-суриштирилади. Агар улардан бири сотиб олган бўлса, суҳбат саҳифаларга кўчади...

Кўзлари севинчдан порлаб, Алишер Навоий сиймоси ва унинг ўлмас асарлари ҳақида ғурур билан гапираётган инсонга боқиб, даврага қўшилгингиз, Навоий ҳазратлари шахсига ва ижодига ҳурматингиз баландлигини, шоир ёзган сатрларда пурмаъно ҳикматлар мужассамлигини айтгингиз келади.

Дарҳақиқат, энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида Ғафур Ғулом номидаги нашриёт томонидан буюк мутафаккир бобомиз, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий асарларининг ўн жилдлиги нашр этилгани республикамиз ижтимоий-маданий ҳаётидаги катта воқеалардан бири бўлди.

Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек: "Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга, аввало, Навоий асарлари билан кириб келади...".

Биз ўз олдимизга баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишдек эзгу мақсадни қўйган эканмиз, Алишер Навоий асарларини ўқиб-ўргатиш, уларнинг маъно-мазмунини ёшларимиз қалбига сингдириш нафақат ўқитувчилар, балки ота-оналарнинг ҳам бурчи бўлмоғи лозим. Қани энди, ҳар бир ўзбек хонадони тўридан Навоийнинг янги ўн жилдлиги жой олса, оила даврасида навоийхонлик ўтказилса, ғазалу рубоийлари таҳлил этилса...

Буни қарангки, нияти эзгу инсонлардан бири туғилиб ўсган қишлоғимда йўлимга кўз тикиб ўтирган экан. Мактабда бизга адабиётдан сабоқ берган устозимиз — ҳозир ёши саксонга яқинлашиб қолган қария юришга қийналса-да, "Шогирдим Қувондиқ қани?", деб атай мени сўроқлаб келибди. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Устознинг жисму танига йиллар ўз таъсирини ўтказган, лекин овози ҳали ҳам ўктам, сўзлари кескир, нигоҳи синовчан.

Ёдимда, домла адабиёт дарсини шунчалик маҳорат билан ўтардики, шеър ўқиганда ёки насрий асар қаҳрамонлари образини тасвирлаганда синфда йўталишга ҳам ботина олмасдик. Чунки сўз сеҳрига маҳлиё бўлиб ўтирганларнинг хаёли бўлинишидан чўчирдик. Айниқса, ўқитувчимиз ўзига хос талаффузда етказиб берган ғазаллар юрак-юрагимизга сингиб, этларимиз жимирлаб кетарди. Шу боисдан бўлса керак, синфимиздаги ўқувчиларнинг аксарияти бадиий адабиётга қизиқар эди.

Одатдагидек, бу гал ҳам устозга пойтахтдаги ўзгаришлар, олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳақида гапириб бердим. У киши мени: "Кузатиб бораяпман, газета-журналларда жуда кам кўринаяпсан", деб бироз койиди. Хуллас, мароқ билан суҳбатлашдик. Хайрлашиш олдидан ниманидир айтмоқчи бўлаётганини сезиб:

— Тортинманг, мен ҳали ҳам ўша сиз ўқитган Қувондиқман, — деб илтимосини ерда қолдирмаслигимга ишора қилдим.

— Ўзимизда ҳам Тошкентга бориб келувчилар кўп. Шаҳардан мана шуни олиб келиб бер десам, йўқ дейишмайди, — деди устозим хижолат тортиб. — Лекин сенинг йўриғинг бошқа, китобни тушунасан. Алишер Навоийнинг барча асарлари жамланган ўн жилдлиги ҳам кирилл, ҳам лотин алифбосида чиққан экан. Ўшани олиб келиб берсанг. Ўзимда аввалги йигирма томлиги бор. Лекин унга Навоийнинг ҳамма асарлари киритилмаган. Қолаверса, лотин алифбосида экан, набираларим ҳам ўқиб-ўрганади-да...

— Хўп-хўп! — дедим қўлимни кўксимга қўйиб. Шунинг баробарида кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Мана, касбга садоқату Навоий ҳазратларига бўлган беқиёс меҳр-муҳаббат! Ёши саксонга яқинлашган инсоннинг эзгу истаги...

Мен юзхотирлик боис устозимнинг исм-фамилиясини ёзмадим. Чунки "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасини мунтазам ўқийди. Эрта бир кун мени жуда ошириб мақтаб юборибсан ёки илтимосимни ҳам газетага олиб чиқибсан-да, дейишидан ҳайиқдим. Насиб қилса, "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" байрами муносабати билан ҳазрат Навоийнинг китобларини кўтариб қишлоққа бораман. Яна устоз билан учрашамиз...

**Суюндик МАМИРОВ**

# "ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ"




**2011 йил, 2-сон**

*Журналларни варақлаганда*

Ҳамидулла Болтабоевнинг "Адабиётшунослик" рукнида берилган "Замон билан ҳамнафас" мақоласида таниқли олим Умарали Норматовнинг илмий ижодий йўлига назар ташланган, устоз мунаққиднинг ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги ривожига қўшган ҳиссаси эътироф этилган. Айни шу рукнда Улуғбек Ҳамдамнинг "Ўзбек шеъриятининг поэтик янгиланиши", Шомирза Турдимовнинг "Гўрўғли" эпосида Райҳон араб образи" сарлавҳали тадқиқотлари билан танишасиз.

Тилшуносликнинг долзарб муаммоларига бағишланган Д.Худойберганова, Д.Айтбаев, Ф.Жумаевнинг илмий мақолаларини ҳам журналнинг ушбу сонида ўқийсиз.

"Абдулла Орипов ижодида замон образининг ўзига хос тараннуми, айниқса, Истиқлол даврига келиб янада чуқурлашди. Мустақиллик шарофатини улуғлашда халқона руҳ янада кучайди", деб ёзади Бахтиёр Назаров "Замон ва Абдулла Орипов шеърияти" мақоласида. Наим Каримовнинг "Поэтик тафаккур ёлқинлари", Нўъмон Раҳимжоновнинг "Тимсолнинг бадиий-эстетик вазифаси" мақолалари ҳам атоқли шоир ижодига бағишланган.

"Илмий ахборот" рукнида эълон қилинган мухтасар тадқиқотлар, илмий кузатишлар халқ оғзаки ижоди, мумтоз ва замонавий адабиёт, таржима ва тилшуносликнинг муҳим мавзуларини ёритишга бағишланган.

Иброҳим Ҳаққулнинг "Баҳс теранлик ва холисликка таянади" сарлавҳали мақоласи адабий жамоатчиликда қизиқиш уйғотиши, мунозарага чорлаши шубҳасиз. Шунингдек, журналнинг ушбу сонида адабий меросимизга оид асарлар, илмий ҳаёт ва янги нашрларга доир хабарлардан баҳраманд бўласиз.

# МАДАНИЙ ҲАЁТ

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан кўргазма ташкил этилди. Мазкур тадбир Озарбойжон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган.

Тадбирда Озарбойжон Республикасининг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Н.Аббосов, академик Саидаҳрор Ғуломов давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик, дўстлик муносабатлари мустақиллик йилларида янги босқичга кўтарилгани, маданият, санъат соҳасида олиб борилаётган ҳамкорликлар икки томон учун ҳам аҳамиятли бўлаётганини таъкидладилар.

Тадбирда Низомийнинг "Хамса"си, Фузулий асарларининг озар тилида чоп этилган нусхалари ҳамда муғом мусиқаси ёзилган китоблар намойиш этилди. Шунингдек, Озарбойжоннинг ранг-баранг гиламлари, миллий мусиқа чолғу асбоблари ва халқ рассоми Саттор Баҳлулзоданинг нафис бўёқлар билан ишланган мафтункор асарлари кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

**Зухриддин ҚИЛИЧЕВ**

*Ватан учун яшайлик!*

# АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОДЛАР

Бошланиши биринчи саҳифада.

Шу боис ҳам мажлис аҳли хорижлик олимнинг гапига ишонишни истамади. "Йў-ўғе, бунақа бўлиши мумкин эмас, қанақадир хоразмлик ўрта асрларда компьютерни кашф этадими?" дея кулишди. Эътироз билдирмоқчи бўлган юртдошларимизни: "Боболарингиз компьютерни кашф этган, юлдузу сайёраларга йўл олган бўлса, нега бугун сизлар дунёни қойил қолдирадиган ишларни амалга оширолмаяпсизлар, нима, бир умр аждодларингиз эришган ютуқлар билан мақтаниб яшамоқчимисизлар", дея мулзам қилмоқчи бўлишди. Бизникилар ҳам бўш келишмади, албатта: "Насиб этса, бизда ҳали оламшумул ўзгаришлар кўп бўлади. Озодликка эришган халқ буюк ишларга қодир!", дейишди улар комил ишонч билан. Ўшанда истиқлол эълон қилинганига эндигина бир ой бўлган эди.

Ушбу воқеани эслашимга яқинда матбуотда эълон қилинган қизиқ бир мақола сабаб бўлди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз!" рукни остида босилган мақоласи "Жавоҳирнинг антивирус дастури", деб аталади. Унда Тошкент шаҳридаги Юнусобод машинасозлик коллежи битирувчиси Жавоҳир Мамбетов ахборот технологиялар соҳасидаги муҳим янгилик — ўзбек тилида "Uz security" антивирус дастурини яратганлиги ҳақида муфассал ҳикоя қилинган. Қарангки, Ал-Хоразмий авлоди — ўн беш яшар ўғлон компьютер соҳасида дунё аҳамиятига молик ихтиро қилибди.

"Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан унга лицензия берилди", деб ёзади мақола муаллифи. Яна эътироф этадики, бу йигитчанинг бугунги шаҳду шиддати келгусида жаҳонга машҳур кашфиётчи бўлиб етишувидан яққол далолат бериб турибди. Зеро, мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу ихтиро муҳим аҳамиятга эга. Чунки компьютерларда ишлатиладиган вирусга қарши дастурлар шу пайтгача хорижий мамлакатлардан катта пул эвазига импорт қилинади. Бундай дастурнинг ўзимизда яратилиши салмоқли маблағни тежаш, шу билан бир қаторда катта миқдорда фойда олиш имконини беради.

Масалага иқтисодий самара нуқтаи назаридан ёндашилгани тўғри, албатта. Бироқ бундай кашфиётларнинг руҳий, маънавий, ижтимоий аҳамиятини олтину олмос билан ўлчаб бўлмайди. Маҳобат бўлса ҳам айтай. Бундай кашфиётлар бугунги ўзбек ёшлари сиймосида бир пайтлар бутун оламни ҳайратга солган беназир алломаларимиз, буюк даҳоларимиз руҳи уйғонаётганини, бинобарин, яқин келажакда уларнинг муносиб издошлари кўплаб етишиб чиқажаги муқаррар эканини кўрсатмайдими! Зеро, XXI аср илм-фан, юксак технологиялар асри экани ҳозирданоқ яққол аён бўлиб турибди. Истиқлол туфайли шиддат билан ўсиб, равнақ топаётган, таълим соҳаси тубдан ислоҳ этилган, тамоман янгича тизим яратилган мамлакатимизда ярақлаб-чарақлаб турган жавоҳирлар кўп. Уларнинг сафи йил сайин янада кенгайишига эса шак-шубҳа йўқ. Чунки Ўзбекистон — ёшлар мамлакати. Унда ёшларнинг соғлом, баркамол, ҳар томонлама етук бўлиб улғайишлари учун зарур бўлган барча ишлар қилинмоқда. Халқ хўжалиги билан бир қаторда илм-фан, адабиёт ва санъат, жисмоний тарбия ва спорт изчил ривожлантирилмоқда. Дарвоқе, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳеч нарса мамлакатни спортчалик дунёга тез танитолмайди. Юртимизда ёшларнинг уч босқичли спорт мусобақалари тизими яратилгани ўзининг ёрқин самараларини бермоқда. Мустақиллик даврида ўзбек ўғлонлари жаҳон майдонидаги юксак чўққиларни забт этмоқдалар. Айнан истиқлол йилларида Ўзбекистондан шахмат, бокс ва бошқа спорт турлари бўйича жаҳон чемпионлари, Олимпиада ўйинлари ғолиблари етишиб чиқди. Ўзбекистон байроғи ер юзининг кўплаб мамлакатлар спорт майдонларида мағрур ҳилпиради.

...Мексикада ўсмирлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионати бўлаётган кунлар. Собиқ иттифоқ ҳудудидан ягона жамоа — мамлакатимиз термаси қатнашаётир. Бутун дунё аҳли томоша




қиладиган "Евроспорт" канали Ўзбекистон ва АҚШ терма жамоалари ўртасидаги ўйинни тўғридан-тўғри намойиш этмоқда. Ўйинни шарҳлаётган шарҳловчи репортаж бошида бундан аввалги ўйинда Янги Зеландияга тасодифан 0:4 ҳисобида ютқазиб қўйган йигитларимиз ўйини ҳақида нописандроқ фикр билдирди. Ҳатто: "Маҳалла биринчилигидаги ўйинларни эслатади", деган гапни айтди. Футболчиларимиз ҳаяжонларини босиб олиб, америкаликлар дарвозасига иккинчи тўпни киритиб, ҳисобда олдинга чиққач эса қойил қолганини яширолмай "Ўҳў-ҳў, Ўзбекистон! Гол-гол-гол!" деб қичқириб юборди. Охирида эса ифодали қилиб: "Қаранг-а, Ўзбекистон Американи енгди-я!" деди. Бу гапни етти иқлим эшитди. Ўзбек болалари дунёдаги энг оммавий, энг севимли спорт турини пухта эгаллаганликларини, шунинг учун ҳам жаҳондаги етакчи саккиз мамлакат сафига кирганини бутун дунё аҳли кўрди, тан олди.

Азал-азалдан дунё тамаддуни бешикларидан бири бўлган Ўзбекистон бугун шарқ ва ғарб маданиятлари, санъатлари туташаётган, уйғун ва ҳамоҳанг равнақ топаётган йирик марказлардан бири бўлиб қолди. Оламнинг барча бурчакларидан ижод аҳли унга интилади. Унинг бағрида ҳайратга чўмади, илҳом олади.

...Самарқандда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали очилиш маросими сунъий йўлдошлар орқали дунёнинг деярли барча мутараққий мамлакатларига тўғридан-тўғри намойиш этилмоқда. Фестивалга салкам ярим асрдан буён дунё саҳналаридан тушмай келаётган улкан санъаткорлардан бири Аль Бано Карризи меҳмон бўлиб келди. Унинг авлоддан-авлодларга ўтиб келаётган машҳур "Феличита" қўшиғини ёш ўзбек хонандаси Зиёда соф италян тилида маэстро билан жўр овозда унинг ўзидан ҳам ўтказиб куйлади. Халқимизнинг асраб-авайлаётган бебаҳо маънавий меросини, Ўзбекистон давлатининг бугунги камолию жамолини, санъати, маданияти тараққиётини ўз кўзи билан кўрган, беҳад ҳайратга тушган улуғ санъаткор тиз чўкиб, юртимиз заминини ўпди, кўзига суртди. "Ғарбда Рим, Шарқда Самарқанд ягонадир!" дея ҳайқирди бор овози билан. Бу дунё кўрган одамнинг холис эътирофи эди.

Юртимиз, унинг кишилари, айниқса, ёшларимиз эришаётган оламшумул ютуқлар ҳақида бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Улар ҳақида мароқ билан сўзлаш киши кўнглини осмон қадар юксалтиради, фахр-ифтихор ҳисларига лиммо-лим тўлдиради, юрагида эртанги кунга, буюк келажакка комил ишонч уйғотади. Айни пайтда бу ғурур замирида ана шу озод ва обод юртни, унинг заҳматкаш ва ўктам элини кўз қорачиғидай асраш, эришилган ютуқларни янада кўпайтириш масъулияти ётади. Бу масъулият эса ҳар биримизни ҳаётда сергакликка, меҳнатда сафарбарликка, ижодда жўшқинликка ундайди. Дилингдаги энг яхши орзу-умидларингни, тилак-истакларингни, тилингдаги энг самимий, энг ширин сўзларингни айтгинг, шу улкан бунёдкорлик ишларига елкадош бўлгинг келади. Ахир, инсон учун мустақил, мутараққий она тупроқда яшаш, меҳнат қилиш, бу дунёда фарзандлари учун озод ва обод Ватан қолдириб кетишдан улуғроқ саодат борми!

**Ҳабиб ТЕМИРОВ**

# АРУЗИЙ ШЕЪР ТАЛАФФУЗИ

Алишер Навоий — 570

Мураккаб адабий ва илмий-ирфоний асарларни шарҳлаш бизда қадимий анъана. Ибн Сино, Ибн Арабий, Жалолиддин Румий, Хўжа Ҳофиз, Мирзо Бедил асарлари турли даврларда шарҳланиб тушунтирилган. Баъзан алоҳида асарлар, баъзан бутун-бутун девонлар ёхуд алоҳида олинган асарлар (масалан, Саъдий Шерозийнинг "Гулистон" асари) маъно-мазмуни, ибора ва истилоҳлари тушунтирилган. Бу, биринчидан, машҳур асарлар ғоялари, маъносини соддароқ тарзда кенг ўқувчиларга тақдим этишга кўмаклашса, иккинчидан, шу баҳонада янги-янги асарларнинг яратилиши, ўлмас инсоний туйғулар, тафаккур ва ақлий-ижодий кашфиётларнинг ривожи, тўлишиб боришига сабаб бўлган.

Улуғ ўзбек шоири Низомиддин Алишер Навоий асарлари асрлар давомида турли даражада, турли тилларда изоҳланиб, шарҳланиб келинган. Бу унинг ўлмас ғояларидан кенг омманинг завқланишга кўмаклашган, таълим-тарбияда муҳим рол ўйнаган.

Бадиий асар, жумладан, ғазални шарҳлашнинг ўз талаблари бор. Биринчи шарт шуки, шарҳ бу ҳамма вақт асарнинг ўзини англаш учун ёрдамчи восита, у ҳеч қачон шоир асарининг ўрнини боса олмайди. Шарҳ, шу каби, том маънодаги адабий танқид ёхуд тадқиқот ҳам эмас, гарчи унда тадқиқотий ва интерпретацион хусусиятлар бўлса ҳам, шарҳнинг бош мақсади, таъкидлаганимиздай, асарнинг (жумладан ғазалнинг) қийин иборалари, кўп маъноли мураккаб ўринларини соддароқ қилиб тушунтиришдир. Шундай бўлгач, қадимги шарҳларда кўпроқ истилоҳлар, тасаввуфий-ирфоний ибораларнинг мағзини чақишга эътибор қилинган. Шу каби асардан-асарга, даврдан-даврга ўтиб келган тушунчаларнинг маъно ўзгаришлари, тимсол ва тамсиллар изоҳланган. Бунда дастлаб сўзларнинг луғавий маъноси, сўнгра тамсил (образ) сифатидаги роли, кейин шу асосда шаклланган маъно жилолари, оригинал бадиий нафосати, ифодавийлик жозибаси ҳақида гапирилган.

Биз ҳам Алишер Навоий ғазалларини шарҳлаганда шу усулдан фойдаландик, яъни: 1)асар тилидаги ҳозирги китобхонга тушунилиши қийин сўзлар луғатини бериш; 2) байтларнинг насрий баёнини тақдим этиш ва 3) ғазалнинг умумий мазмун-маъноси, бадиий хусусиятлари устида мулоҳаза юритиш. Ўйлаймизки, бу анча қулай усул бўлиб, амалий аҳамияти кўпроқ.

Энди бир икки оғиз сўз ғазал хусусиятлари ва ғазални ўқиш, ундаги сўзларни талаффуз этиш ҳақида. Зеро, ғазалдаги маъноларни тушуниш билан бирга ғазални ўз вазни-оҳанги билан ўқиш, талаффуз этиш ҳам жуда муҳим. Аслини олганда, ғазални тушунмай, ундаги сатрларни тўғри ўқиш амри маҳол, шу каби ҳар бир ғазал ўз вазни билан ўқилмаса, ундаги маънолар ёркин ва таъсирчан чиқмайди. Воқеан, ғазал – бу мусиқа, шу боис ундаги сўз ва иборалар ҳам нозик, нафис, дилрабо. Битта сўзгина эмас, битта товуш ёки қўшимча нотўғри талаффуз этилса, оҳангига тушмаса, бутун асарнинг оҳори тўкилади, ғализлик ва дағаллик юз беради. Ғазал, айниқса, Алишер Навоий ғазаллари ғоят санъаткорона тўқилган ҳарир матога ўхшайди, ундаги айни шу нафислик, куй маромини озгина бузсангиз, сўзни белгиланган баҳр талабига риоя қилмасдан талаффуз этсангиз, ҳарир мато чоқ-чокидан ситилиб кетади. Эсдан чиқармайликки, Навоий ғазалларининг аксари рамал (фоилотул, фоилотул...) ва ҳазаж (мафойилун, мафойилун...) баҳрларида ёзилган. Муаллиф буни ўзининг "Мезон ул-авзон" асарида алоҳида қайд этиб, ҳар бир баҳрнинг имконият ва хусусиятлари, туркий тилни арузга тушириш йўлларини белгилаб берган.



Алишер Навоий асарларининг вазн хусусиятлари ҳақида профессорлар А.Ҳожиаҳмедов, А.Аъзамов, Д.Салоҳий, Н.Жабборов, Б.Тўхлиев, доцент И.Адизова яхши тадқиқотлар олиб бориб, талабаларга ёрдам берадиган фойдали амалий маслаҳатларни баён этганлар.

Аммо шунга қарамай, радио ва телевидение эшиттиришларига, ёш ҳофизларнинг мумтоз қўшиқларни ижро этишларига диққат қилсак, Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий ғазалларидаги сўз ва ибораларнинг бузиб айтилиши, арузий оҳангга мутлақо тўғри келмайдиган хониш ва декламациялар шоҳиди бўламиз. Бу кишини хафа қилади. Афтидан, нафақат филолог толиби илмлар, балки журналистлар, театр актёрлари, санъат даргоҳларида таҳсил олувчилар, айниқса консерватория талабалари мумтоз шеъриятни ўқиш, куйга солиб айтиш, хиргойи қилиш, сўзларини талаффуз этишни жиддий ўрганишлари лозим. Кузатишлар ғазални ўқиш ва куйлашда қуйидаги камчиликлар борлигини кўрсатмоқда. Чунончи:

1.Аруз вазнини билмаганлик оқибатида асарни бармоқ вазнига солиб ўқиш.

2.Ғазалдаги барча сўзларни сидирғасига сунъий равишда чўзиб ўқиш.

3.Арузнинг турли баҳрларида ёзилган ғазалларни бир хил баҳрда талаффуз қилиб, оҳанглар ранг-баранглиги, ҳар бир асарга хос жилони йўқотиш.

4.Асардаги сўзлар ва иборалар, мумтоз шеъриятга хос тил хусусиятларини бузиш.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, аруз вазнида ёзилган асарлар, айниқса ғазаллар майин, оҳиста ўқишни талаб қилади, асар сўзларидаги ҳар бир бўғинга урғу бериш, баланд овозда зўр бериб (баъзан қичқириб) ўқиш мумкин эмас. Бу аруз вазни табиатига зиддир. Ғазал латиф ва нозик маъноли жанр бўлганлиги учун уни нафақат куйга солиб, қўшиқ қилиб куйлаганда, балки қироат қилиб ўқиганда ҳам ана шу майин, нафис оҳанг бузилмаслиги лозим. Бунинг учун эса аруз вазни, унинг баҳрларидан яхши хабардор бўлиш талаб қилинади. Негаки, айнан, "фоилотун", "мафоилун", "мустафъилун", "файлун" каби шартли талаффуз ўлчовлари, уларнинг ўзаро алоқаси, қандай товушлардан тузилганини билган одамгина сўзлардаги товушларнинг қисқа ва чўзиқлигини англаб етади, товушлар комбинациясидан ҳосил бўлган баҳрни илғаб олади. Арузда сўзлардаги товуш ва бўғинлар баъзан алоҳида бир-бири билан қўшилиб талаффуз этилади.

Чунончи, Навоийнинг қуйидаги машҳур байтини олайлик:

**Оразинг ёпқоч кўзумдин тўкилур ҳар лаҳза ёш,**
**Ўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш.**

Рамали мусаммани мақсур (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун) баҳрида ёзилган ушбу байт сўзларининг тақтеъи (фоилотунларга тақсимланиши) қуйидагича:

О–ра–зинг–ёп/қоч–кў–зум–дин/тў–ки–лур–ҳар/лаҳ–за–ёш
Фо–и–ло–тун/фо–и–ло–тун/фо–и–ло–тун/фо–и–лун

Ўй–ла–ким–пай/до–бў–лур–юл/дуз–ни–ҳон–бўл/ғоч–қу–ёш
Фо–и–ло–тун/фо–и–ло–тун/фо–и–ло–тун/фо–и–лун

Кўринадики, вазн чорчўбасига тушириш учун ёпқоч, пайдо, юлдуз, бўлғоч сўзларининг аввалги бўғинлари ўзидан олдинги сўзга қўшиб талаффуз қилиниши керак. Аммо бу табиий ва равон чиқиши, сунъийлик юз бермаслиги лозим.

Энди товушларни чўзиб талаффуз қилиш ҳодисасига келсак, албатта, аруз вазнида ёзилган шеърларда бу жиҳатга эътибор қилиш лозим. Лекин бу ҳамма унли товушлар чўзиб талаффуз қилинади, дегани эмас. Чунончи, форсий ва туркий мумтоз шеъриятда кўпинча "о", "и", "е", "у" унлилари баҳр талабига қараб баъзи жойда чўзиқ талаффуз этилса (яъни бир ярим ёхуд икки бўғин ўрнида), баъзи бир ўринда оддий қисқа бўғин тарзида талаффуз қилинади. Чунончи, "Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасун" мисрасида ишқ сўзи бир бўғин сифатида талаффуз қилинса, "Ишқ эрур дурру кўнгул дуржанга" мисрасида ишқ сўзи чўзиб (бир ярим бўғин ҳажмида) талаффуз қилинади. Шу каби Навоий "Лайли ва Мажнун" достонидаги "Эй ишқ, ғариб кимёсен" мисрасидаги ишқ сўзи ҳам икки бўғин ҳажмида чўзиб айтилади. Таъкидлаш керакки, осмон, офоқ, остона, моҳпайкар, моҳрў, ошно каби сўзлардаги "о" унлиси кўп ҳолларда чўзиб талаффуз қилинади. Шунингдек, ёпиқ бўғинлар ва охирида икки ундош ёнма-ён келган сўзлар ҳам арузий шеърда чўзиб айтилади. Масалан, дўст, аржманд, судманд, мустаманд каби сўзлар шулар сирасига киради.

Энди туркий тилдаги "а" товуши ҳақида. Форс ва араб тилларида "а" қисқа унли ҳисобланса, туркий шеъриятда у гоҳ қисқа, гоҳида чўзиқ унли ўрнида келади. Айниқса, Навоий девонларида буни сезиш қийин эмас. Шоирнинг:

**Кўргали ҳуснингни зору мубтало бўлдум санга,**
**Не балолиғ кун эдиким ошно бўлдум санга —**

байтининг тақтеъи: фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун. Яъни, рамали мусаммани мақсур баҳрида ёзилган. Бизни қизиқтираётган нарса шуки, байт радифидаги санга сўзининг охирги унлиси "а" чўзиқ унли сифатида қўлланилмоқда. Демак, бунда "а" товуши "о" ўрнида келган. Шунга асосан, санга сўзини санго деб ёзиш ҳам мумкин. Бундай сўзларда диққатни тортадиган яна бир нарса шуки, "нг" тарзида икки ундош билан ёзиладиган товуш аслида бир ундош(н)дир ва у бир товуш сифатида талаффуз қилинади.

Албатта, бу ерда аруз баҳрларининг барча қоидалари устида тўхтамоқчи эмасмиз. Бироқ мумтоз шеъриятимизда аруз вазни талаби билан узоқ йиллар анъана сифатида шаклланиб қолган жиҳатларга қисқа тўхтаб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз. Булар қуйидагилардан иборат:

1)Икки хил кўринишда талаффуз қилинадиган сўзлар. Чунончи: гаҳ-гоҳ, шаҳ-шоҳ, маҳ-моҳ, не-на, бўлур-ўлур, эди-эрди, дага-доғи, яна-ёна, барча-борча, Аллоҳ-Оллоҳ, яра-ёра, кофир-кофар, билан-била-ила, учун-чун, Мусо-Мусий, Исо-Исий, Фаредун-Афредун, Искандар-Скандар, Лайли-Лайло, бараҳмон-барҳаман, гулистон-гулситон ва ҳоказо. Шу каби ташдид-икки ундош ёнма-ён келган икки, етти, саккиз, тўққиз, сирр, дурр каби сўзлар вазн талаби билан баъзан ики, ети, тўқиз, сир, дур шаклида ёзилиши ҳам мумкин.

2) Айрим атоқли отлар ва қўшимчаларни қисқартириб айтиш. Масалан: Жамшид-Жам, Жаброил-Жибрил, Ҳабибуллоҳ-Ҳабиб, агар-гар-ар, лекин-лек, кошки-кош, балки-бал каби.

3)Сингарманизм (унлилар мувофиқлиги) ҳодисасининг тўлиқ амал қилиши: бўлур, этуб, бўлубтур, кўзум, ўқунг, кўнгул ва ҳоказо.

4)Уюшуқ бўлаклар кетма-кетлигида "ва" боғловчиси ҳамма вақт "у" деб талаффуз қилинади.

5)Мумтоз адабиётда Хитой мамлакати Хито (ёки Чин), Арманистон — Арман, Европа — Фаранг, Уйғуристон — Хутон, Туркия — Рум (Румо) тарзида, қадимги юнон олимлари номи арабийлашган шаклда (Арасту, Афлотун каби) келтирилган.

Ғазални ўқиш "ёйи ваҳдат" (е) билан келадиган сўзлар баъзан "и" деб, аксинча изофа бўлиб келган "и"ни "е" деб ўқиш ҳам ғазал маъносининг бузиб талқин қилинишига сабаб бўлмоқда. "Ёйи ваҳдат" (е) бир киши е бир нарсага ишорадир. Изофа бўлиб келган "и" эса –нинг қўшимчаси(қаратқич келишиги)га тўғри келади. Масалан: "Ваҳдате бўлғай муяссар жом била май ичраким, жому май лафзин дегон бир сўз ила қилғай адо" байтининг маъноси қуйидагича: "Жом билан май орасида шундай бир бирлашув, ягоналашув ҳосил бўлдики, жом билан май сўзларини бир сўз билан ифодалаш мумкин бўлади, яъни уларнинг маъноси бир тушунчада мужассамлашади". Агар бу байтнинг биринчи сўзини "ваҳдати" тарзида ўқисак, ҳеч бир маъно чиқмайди.

Навоийнинг "Қаро кўзум" деб бошланадиган ғазали Тошкент ироқи куйида ашула қилиб ижро этилишини биламиз. Баъзи хонандалар ғазалнинг "Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг, онинг башоқлиқ ўқин шамъи анжуман қилғил" деган мақтаъидаги "анжумани шавқ"ни "анжуману шавқ", "шамъи анжуман"ни "шамъу анжуман" тарзида бузиб талаффуз қиладилар. Ниҳоятда қўпол хато бу! "Анжумани шавқ" шавқу завқ, руҳий кўтаринкилик йиғини. Анжуману шавқ-чи? Йиғилиш ва шавқ демак. Маъно йўқолган, ғазал таровати, шоир ҳислари бутунлай йўқолган. Шу каби шамъу анжуман бирикмаси (шамъ ва йиғин) ҳеч бир маъно ифодаламайди.

Ёки Зебунисо ғазали билан айтиладиган "Самарқанд ушшоғи"ни олайлик. Ғазалнинг охирги байти қуйидагича:

**Закоти ҳусн агар медиҳи барои худо,**
**Биё ки Зебунисо ҳамчу ман гадо инжаст.**

*(Худо йўлида ҳусн закотини бермоқчи бўлсанг,*
*Келгинки Зебунисо мен каби гадо бундадир).*

Бу қўшиқни ўндан ортиқ хонандалар ижро этадилар, аммо ҳаммаси ҳусн сўзини ҳусни деб талаффуз қиладилар. Энди диққат қилинг: закоти ҳусни иборасидан на тожик тилида, на ўзбек тилида бирор маъно чиқмайди. Ҳамма гап шундаки, қўшиқни дастлаб ижро этган киши ҳусн сўзини чўзиб икки бор талаффуз этган. Бу – аруз вазни талаби, шундай қилмаса оҳанг бутун бўлмайди. Кейинги ижрочилар бу чўзиқликни "и" деб шу андоза билан талаффуз қилишга одатланганлар. Улардан лоақал бирортаси шоиранинг китобини варақлаб ўқимаган, бир-биридан ўзлаштириб, хатони такрорлаб келмоқдалар.

Шунингдек, ғазалдаги сўзларни ҳозирги кўринишда талаффуз қилиш ҳам оҳангни бузишга олиб келади. Шамъни шам, ғайрни ғайир, васлни васил, тамаъни тама, суръатни сурат (ёки аксинча), қатъни қат, манъни ман тарзида ўқиб, ҳам сўз маъноси ва ҳам вазнни бузувчи "ғазалхонлар" анча. "Шаъи шабстон" дейиш ўрнига "Шами шабистон" дейиш маҳбуба жамоли таърифида айтилган ибора ўрнига рангсиз, таъсирсиз ташбеҳни тақдим этиш билан баробар.

Шу тариқа, мумтоз шеърият, жумладан, Навоий ғазалларининг ўзига хос тили, тасвирий воситалари ва арузий оҳангларга мувофиқлаштирилган жиҳатлари бор. Навоий ғазалиётида аруз вазнининг рамал ва ҳазаж баҳрлари кўп қўлланилган дедик. Айниқса, рамал баҳрида ёзилган ғазаллар кўпчиликни ташкил этади, айтиш мумкинки, девонларнинг қарийб ярми шу баҳрда ёзилган ғазаллардан иборат. Шунга қарамай, ҳар бир ғазалнинг мазмун-маъносидан келиб чиқадиган ритмий хусусияти бор, ҳар бири алоҳида жозиба ва таъсир кучига эга.

Буларни ёзишдан мақсад шуки, биз ўсиб келаётган авлодга мумтоз шеъриятни англаш, ундан руҳий лаззатланишни ўргатар эканмиз, ғазал, рубоий, достонларнинг ҳар бирини ўз вазни-оҳангида ўқиш лозимлигидан, ғазал мутолааси қандай бўлишидан ҳам сабоқ бериб боришимиз лозим. Мактаб ва олий ўқув юртларида адабиёт дарслари, тўгаракларда шунга эътибор қилинса яхши бўларди. Шу каби радио ва телевидение каналларида, театр саҳналарида чиқиш қиладиган ғазалхон бошловчилар, сухандонларни тарбиялаш лозим. Айниқса, мумтоз қўшиқларни ижро этувчи хонандаларни бу жиҳатдан пухта саводхон қилиш керак. Улар Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб ғазалларини оҳанги билан ифодали ўқиш маҳоратини эгаллашлари шарт. Бўлажак ҳофиз нафақат мусиқа чалишни, нотани билиши, балки айни вақтда доимий равишда шеърий асарларни ўқиб бориши, сўз санъатининг чинакам мухлиси бўлиши даркор. Шунда унинг қўшиғи яна таъсирчан, дилтортар бўлади.

**Нажмиддин КОМИЛОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

# КОМИЛ ХОРАЗМИЙ МАТНИЁЗ ДЕВОНБЕГИ ЭМАС

Мамлакатимиз истиқлолининг ёркин йўлларига чиқиб, ўзининг баркамол йигирма ёшини нишонлади. Шу нурли манзилдан туриб яқин ўтмишга боқсак, мустабид шўролар даврида қатағон этилган қанчадан-қанча шоир ва хаттот, созанда ва хонанда, мақомот илми алломаларини кўрамиз. Чунончи, ўша давр адабиётшунослигида комфирқанинг мафкуравий таъқиби остида баъзи тарихий шахслар, ёзувчи ва шоирлар "илғор рус маданиятининг етук тарғиботчиси", рус мустамлакачиларини олқишлаб кутиб олган "қаҳрамон" сифатида талқин этилди. Жумладан, генерал Кауфман томонидан Хива хонлигининг босиб олиниши фожеалари пайтида мустамлакачиларга хайрихоҳ бўлган Матниёз — Муҳаммад Ниёз девонбеги қиёфасини Паҳлавон Ниёз Муҳаммад Комил Хоразмий шахсига алмаштириб, бузиб ёзилди, чалкаштирилди.

Аслида Комил Хоразмий 1825 йили Хивада Абдулла Муфтий оиласида дунёга келди. Бу тўғрида машҳур хаттот, мақомшунос олим Муҳаммад Ёқуб Харротнинг ўғли Муҳаммад Юсуф Харрот Чокар Мулла Бекжон Раҳмон ўғли билан бирга ёзган "Хоразм мусиқий тарихчаси" (Тошкент, "Ёзувчи", 1998) китобида бундай дейди: "Машҳур мусиқашунос Абдусаттор маҳрамнинг дўғон синглиси Авазжонни Абдулло Муфтий Нурбой Жук ўғлина никоҳ қилиб берганлар. Абдулло Муфтийнинг мазкур Аваажон хотунидан бир ўғил дунёга галиб Паҳлавон деб отлағанлар. Паҳлавон Ниёз таҳсил ибтидосини Хоразмнинг эски мактаб ва мадрасаларида таҳсил қилғондан сўнгра, Сейид Муҳаммадхон замонида ўзининг бобоси Хўжаш маҳрамнинг савдогарлари қаторида юриб тижорат ишлари билан машғул бўладур. Бироз сўнгралари қаторида ишини тарк этиб, Сейид Муҳаммадхоннинг супоҳсоларинда ювонлик (яъни отбоқарлик) хизматига кирадур". Шоир Чокар хотираларидан аёнки, ёш Паҳлавон Ниёз ҳаёт мактабини ўтади. У қаерда бўлмасин китобхонлик қилди, ғазаллар ёзди, қўлига соз олди ва мақом қўшиқларини куйлади. Тез орада Хоразм воҳасига тоза фикрловчи шоир, созанда, тенгсиз хаттот сифатида танилди. Бундан хабар топган Сейид Муҳаммадхон уни саройга таклиф қилиб, хусусий девони этиб тайинлади. Тахминан 1858-йилларда сарой ҳаётига кириб келган ёш шоир ва хаттот Паҳлавон Ниёз Муҳаммад Комил Хоразмий атрофида шоир Муншиий, Огаҳий, Рожий Муҳаммад Юсуф маҳзум, Холис Муҳаммад Ёқуб хўжа, Баёний Муҳаммад Юсуфбек каби иқтидорли шоир ва хаттотлар бор эди. Чокарнинг ёзишича, Комил Хоразмий ўзининг юксак иқтидори, ишончлилиги туфайли 1873 йилгача мирзабоши бўлган. Кейин 1880 йилгача девонбегилик рутбасига етишган.

Демак, Комил Хоразмийнинг асли исми Паҳлавон Ниёз бўлиб, "Комил" унинг адабий тахаллусидир. Бу тўғрида Огаҳий "Гулшани давлат" китобида: "Наврас фикр ва тоза табъ шуародин, фазл ва ҳунар аҳли орасинда мумтоз Паҳлавон Ниёзким, фозиллар гуруҳи ичра тахаллуси Комилдир", деб ёзади. Хўш, асли исми Паҳлавон Ниёз, тахаллуси Комил, мусиқий манбаларда исмшарифи шўролар даврида ўзгартирилиб, бошқа бир шахс — "Матниёз", яъни Муҳаммад Ниёз девонбеги шахсига нисбат берилиб, нега ўзгартириб кўрсатилди экан?! Бундай ҳолатни деярли барча адабий манбаларда учратамиз. Қуйидаги парча филология фанлари доктори А.Ҳайитметов ва филология фанлари номзоди В.Мўминова нашрга тайёрлаган Комил Хоразмий "Девон"и биринчи саҳифасидан: "Ўзбек адабиёти тарихида демократик тенденциялар асосида ижод қилиб, чуқур из қолдирган ажойиб сўз санъаткорларидан бири Паҳлавон Ниёз Муҳаммад Комилдир. "Паҳлавон" унинг лақаби, "Комил" эса адабий тахаллусидир. Замондошлари унинг исмини Муҳаммад Ниёз шаклида ҳам қўллаб, уни ихчамлаштириб "Матниёз" деб ҳам юритганлар. У мадраса мударриси Абдулла Охунд оиласида 1825 йилда Хивада таваллуд топди".

Комил Хоразмийнинг асли исми Паҳлавон экан, уни "лақаб" деб ёзишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Яна, замондошлари уни "Муҳаммад Ниёз" шаклида "Матниёз" деб юритганлар дейилади. Ахир, Комил Хоразмийнинг исми "Ниёз Муҳкаммад"-ку! Ҳеч қачон замондошлари уни "Матниёз" деб атаган эмаслар. Чунки Хоразм лаҳжасида Ниёз Муҳаммадни "Ниёзмат" дейдилар. Муҳаммад Ниёзни эса "Матниёз" деб атайдилар.

Профессор Ғулом Каримовнинг "Ўзбек адабиёти тарихи" (19-асрнинг иккинчи ярмидан 20-аср бошларигача) дарслигининг учинчи китобида бу шоир ҳақида шундай деб ёзилган: "Комил Хоразмий 1825-йилда Хива шаҳрида зиёли оиласида дунёга келди. Унинг отаси Охунд Хива мадрасаларида мударрислик қилар эди. Шоирнинг исми Ниёз Муҳаммад бўлиб, баъзи манбаларда, хусусан, мусиқага оид адабиётларда у Паҳлавон Ниёз Муҳаммад деб юритилади. "Паҳлавон" сўзи унга ёшлик вақтида суюб берилган ном бўлиб, бу ном кейинчалик ҳам сақланиб қолган. Тарихий китобларда эса шоирнинг номи Матниёз шаклида учрайди. Комил ёки Комил Хоразмий шоирнинг адабий тахаллуси бўлиб, камолотга эришган киши маъносини англатади".

Муаллиф "Паҳлавон"ни суйиб берилган ном деб тушириб қолдириб, шоирнинг исми Ниёз Муҳаммад демоқда. Агар шоирнинг исми Ниёз Муҳаммад бўлган тақдирда ҳам у "Ниёзмат" деб ёзилиши керак эди, фақат "Матниёз" деб эмас. Паҳлавон Ниёз Муҳаммад Комил Хоразмий номини "Матниёз" деб ёзишдан ўша давр адабиётшуносларининг кўзлаган мақсади бўлган. Агарда шоир Комил Хоразмийни "Матниёз" деб ёзиб, русларга хайрихоҳ, рус маданиятини куйлаган, босқинчи генерал Кауфман қўшинларини қучоқ очиб кутиб олган шахс деб тасвирланса, мустабид шўролар даври мафкураси буни олқишлаган. Шу боисдан ўша давр адабий жараёнида кўп шоир ва ёзувчилар пешонасига "руслаштириш" тамғасини босиб, улар шахсини бўяб кўрсатганлар. Хўш, Паҳлавон Ниёз Муҳаммад Комил Хоразмий шахсига ниқоб этиб кийгизилган "Матниёз" ким ўзи?

Ўзбек адабиёти тарихи

"Матниёз", яъни Муҳаммад Ниёз девонбеги Сайид Назар оқсоқолнинг ўғли бўлиб, Хива саройида мансабдор ва обрўли аёнлардан ҳисобланган. Муҳаммад Ниёз Амиру-л-умар Сайид Маҳмуд тўранинг ноиби сифатида Ҳазораспда девонбегилик қилган.

1873 йили Хива хонлигининг босиб олиниши воқеаларини акс эттирган барча рус манбаларида Матниёз — Муҳаммад Ниёз девонбеги мақталган. Урушнинг дастлабки кунларида Ҳазорасп қалъаси ҳимоясига икки мингга яқин навкар Амир тўра билан Муҳаммад Ризо тўра бошчилигида юборилган. Улар саркарда Муҳаммад Ниёз девонбеги бошчилигида рус қўшинларига қақшатқич зарба беришлари зарур эди. Бироқ улар Аму дарёдан кечиб ўтган босқинчиларга Ҳазорасп дарвозаларини очиб, қалъадаги озиқ-овқат омборлари, ўқ-ярог, порох сақланаётган омборларни очиқ ташлаб, Хивага қочганлар. Уларнинг асосий мақсади тахтни эгаллаш эди. Ўша пайтда Хивада генерал Верёвкин тўплари зарбасидан қадимий обидалар портлаётган эди.

Бундан кўриниб турибдики, Матниёз девонбеги каби бир гуруҳ амалдорлар мустамлакачиларга хайрихоҳ бўлганлари боис рус тадқиқотчилари уларни энг доно, энг ақлли, сулҳпарварлар партиясига мансуб кишилар, деб кўкларга кўтариб исмларини китобларига муҳрлаганлар. Шўролар даври адабиётшунослари Матниёз, яъни Муҳаммад Ниёз девонбегини шоир Комил Хоразмий деб ўйлаб, рус зобитлари ва шарқшунослари асарларидан кўплаб мисоллар келтирганлар. Айниқса, "Ўзбек адабиёти тарихи" дарслигида муаллиф рус шарқшуноси Ф.И.Лобосевичнинг "1873-йилги Хива юришининг баёни" асаридан: "Кекса Сайид Амиру-л-умар, худди унинг яқин дўсти девонбеги Матниёз сингари, халқ муҳаббати ва ҳурматига сазовор эди. Уларнинг иккови ҳам Хивада сулҳпарварлар партиясининг тарафдорларидан эди", деган иқтибосни келтиради. Огаҳий асарлари олти жилдлиги биринчи жилдидаги сўзбошисида профессор Ғ.Каримов ва доцент С.Долимов: "Тарихий манбаларда "Матниёз", музика тарихига оид асарларда "Паҳлавон Ниёз Муҳаммад" номи билан юритиладиган бу шахс шоир Комил Хоразмийдир (1825-1899)", деб ёзиб жиддий хатога йўл қўйганлар. Биринчидан, бу даврда Комил Хоразмий мирзабоши эди. У уруш туганидан кейингина, 1873 йил 12 августида Муҳаммад Мурод девонбегининг ўрнига тайинланган. Шунинг ўзиёқ Комил Хоразмийнинг Матниёз девонбеги эмаслигини тасдиқлайди.

Иккинчидан, Мак-Гахан "Оксусдаги ҳарбий ҳаракатлар ва Хиванинг таслим бўлиши" асарида Матниёз девонбеги ҳақида: "Матниёз Сайид Амиру-л-умар сингари сулҳпарварлар партиясига мансуб кишидир. У паст бўйли, думалоқ кўзли, сийрак соқол, кўримсиз бир киши эди. У афтидан русларга жуда хайрихоҳлик билан қарар эди. Хива хонлигига оид энг ишончли маълумотларни генерал Кауфманга етказиб турган ҳам ўша эди", деб ёзади. Комил Хоразмий эса баланд бўйли, келишган қадди-қоматли, серсоқол, кўзлари серрак ва маъноли, ўта малоҳатли киши бўлган.

Матниёз девонбеги беқарор шахс эканини хусусида тарихий манбаларда батафсил баён қилинган. Баёний "Шажарайи Хоразмшоҳий" асарида: "Кауфманнинг ёниға Муҳаммад Ниёз девонбеги гоҳ-гоҳ бориб, мусоҳибат этиб кетар эди... Муҳаммад Ниёз девонбеги вилоятнинг тамоми ҳолати ва маҳсулотидин ва тамоми аркони давлат ва аъёни ҳашаматнинг аҳволотларидин Кауфманга огоҳлиқ берди. Мундин бир неча кун ўтгандан сўнг, Кауфман Муҳаммад Мурод девонбеги била Раҳматулло ясовулбошини сибир этиб Қозонлиға юборди ва яна русия аскарининг кофайи масорифи (контрибуцияси) учун Хоразм аҳолиларидин икки милион била икки юз минг манот тазминот олмоққа қарор бердилар", деб ёзади...

Мана, йигирма йилдирки, қадриятларимиз қайта тикланаётир. Миллий маданият, илму ирфон, гўзал урф-одатларимиз, муқаддас маросим ва байрамлар элимизга қайтариб берилди. Бу борада ҳали қилинадиган ишлар ҳам бор. Жумладан, шоир, хаттот, таржимон, созанда, мақомот илми алломаси Паҳлавон Ниёз Муҳаммад Комил Хоразмий ҳаёти ва ижоди батафсил ўрганилиши зарурлиги ҳам долзарб масалалардан биридир. Чунки кейинги даврда нашрдан чиққан китобларда ҳам уни "Матниёз", деб ёзиш давом этмоқда. Масалан, хоразмлик олимлар Д.Раҳим ва Ш.Матрасул "Феруз. Шоҳ ва шоир қисмати" (1991) китобининг "Комил — ижодкор ва давлат арбоби" саҳифасида Ф.И.Лобосевич ва Мак-Гаханнинг Матниёз девонбеги ҳақидаги фикрларини мисол этиб келтириб, Комил Хоразмийни Матниёз девонбегига нисбат берганлар. 2004 йили нашрдан чиққан "Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти" (махсус муҳаррир Ш.Юсупов, масъул муҳаррир Н.Жабборов) китобида ҳам "Ф.И.Лобосевич ва Мак-Гаханлар ўз асарларида Комил Хоразмий фаолиятига махсус тўхталганлар", деб шоир шахсиятига нотўғри баҳо берилган, "Матниёз" — Муҳаммад Ниёз девонбеги бу Комил Хоразмий эди, деб таърифланган. Дарсликда қатор хато ва нуқсонларга йўл қўйилган. Масалан, жаҳон кутубхоналарида ноёб қўлёзмалари сақланаётган машҳур хаттот Муҳаммад Шариф Таррох девонни "Муҳаммад шариф арро девон" деб, шунингдек, Сайид Амиру-л-умар "Сайид Амирқул умар", деб хато ёзилган. Шоир вафот этган санани эса Лаффасий ёзган маълумотга қараб, 72 ёшида 1897 йилда дунёдан ўтган дейилади. Ваҳоланки, Чокар бу тўғрида жуда аниқ маълумот берган: "Паҳлавон Мирзабоши... Муҳаммад Раҳимхон замони ҳиж. 1317 йил шабон ойининг 27-куни озонида вафот бўлди...".

Паҳлавон Ниёз Муҳаммад Комил Хоразмийдан ўлмас мерос қолди. Қўлимизда шоирнинг 1881 йили нашр этилган биринчи девони бор. Бу девон иккинчи бор 1895 йили Хивада, учинчи марта 1909 йили Тошкентда тўлароқ нашр этилган. Ундан ташқари таржима асарлари, "Танбур чизиғи" китоби, турли баёзларда ғазал ва мухаммаслари мавжуд.

Комил Хоразмий аруз вазнининг барча жанрларида ижод қилди. Ғазалиёт оламига ўлмас муҳаббат туйғулари таровати олиб кирди, авлодларни доимо комил инсон бўлиб етишишга, маърифатга, эзгуликка чорлади. Бинобарин, Комил Хоразмий сиймоси, унинг маънавий мероси ҳам қайтадан янгича нигоҳ билан ҳаққоний ёритилиб, қайта баҳоланиши лозим.

**Анбара ОТАМУРОДОВА,**
**Оллоназар АБДУРАҲИМОВ**

# «ЖАҲОН АДАБИЁТИ»

## 2011 йил, август ойи сони




Журналларни варақлаганда

«Руҳим теранликларида оҳанг каломлар либосин истамас. Оҳанг юрагим сувайдосида, сиёҳ ила қоғозга муҳрланишни хоҳламас. Ҳис-туйғуларим Чин шойисидай ўраб-чирмар-да, ҳеч қачон забоним ила булбулдай куйламас», деб ёзади машҳур араб адиби Жуброн Халил Жуброн. Адибнинг қалбидан тошиб чиққан жўшқин «Қўшиқлар»ини рус тилидан Абдуҳамид Пардаев таржимасида ўқийсиз. Норвегиялик ёзувчи, Нобел мукофоти совриндори Кнут Ҳамсуннинг «Очлик» романини атоқли таржимон Қодир Мирмуҳамедов рус тилидан ўгириб, журналхонларга тақдим этган. Шунингдек, ушбу сонда Явуз Баҳодирўғлининг «Малазгиртда жума куни» романи давоми берилган.

Журналнинг «Шеърият минтақалари» саҳифаларида қорақалпоқ шеъриятидан намуналар босилган. Жиянбой Избосканов, Миннайхон Жуманазарова, Ҳалима Давлатназар ва Жуманиёз Ўтаниёзов шеърларини Музаффар Аҳмад таржима қилган. Шоислом Шомуҳамедов таржимасидаги Умар Хайём рубоийларини такрор ўқиш имкониятига ҳам эга бўласиз.

Тарих фанлари доктори Фатхулла Эргашевнинг истиқлолнинг 20 йиллиги муносабати билан берилган «Тарих ҳақиқати ва истиқлол шукуҳи» мақоласида юртимизнинг яқин ўтмишига назар ташланган, мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси тўғрисида фикр юритилган.

Машҳур инглиз адиби Сомерсет Моэмнинг биографик хотиралар тарзида битилган эсселари — «Умр дафтаридан» асари жаҳон адабиёти мухлислари томонидан катта қизиқиш билан ўқилади (таржимон Муҳиддин Омон). Шу билан бирга, журналнинг бу сонида Аҳмаджон Мелибоевнинг «Миллиардернинг афсуси самимийми?» сарлавҳали публицистик мақоласини, Сергей Мнацаканяннинг «Маркес — XX аср афсонаси», Дилшод Орзиқуловнинг «Илмий таҳлил калити» каби адабий-танқидий тадқиқотлари билан танишасиз. Ортиқбой Абдуллаевнинг «Кўркам китоб» тақризи Асил Рашидовнинг «Чингиз Айтматов олами» китоби таҳлилига бағишланган бўлса, Ҳафиз Абдусаматов «Санъаткорлар олим талқинида» мақоласида Ўткир Шокировнинг «Ўзбек санъаткорлари» китоби ҳақида сўз юритади.

Саргузашт адабиёти ишқибозлари Ж.Х.Чейзнинг «Қузғун — сабрли қуш» романининг давомини ўқийдилар. Шунингдек, «Китоблар дунёси» янгиликларидан ҳам хабардор бўласиз.

Ойгул СУЮНДИҚОВА

# ТОНГ НУРИГА АЙЛАНДИ БАЙТИМ



Чўққилар қошида ороланган тонг
Бағрида ел билан келди куйлагим.
Боқсам, кўзларимни яшнатди чунон —
Ярашди осмонга мовий кўйлаги!

Кўйлакким беғубор, зарра йўқ доғи,
Булутлар кезинмас, қушлар тарк этмас,
Қуёши айирмас иссиқ қучоғин,
Таърифига умрим бўйи сўз етмас.

Ягонам — Ватаним осмони тиниқ,
Муаттар ҳаволар шаффоф ва ҳарир.
Лаҳзалар лаҳзадан, йўл йўлдан ёниқ,
Бу — юртим тимсоли дилбар, беназир.

Онам тилларидан тушмас аллани
Мен ҳам бешикдаги боламга айтдим.
Қуёш чиқаётган ажиб паллани
Кўрдим — тонг нурига айланди байтим.

Шу осмон остида онамдай азиз,
Отамдай қадди тик чинорларим бор.
Шу юртда насибдур менга нону туз,
Шу эл муҳаббати — қаламим бедор.

* * *

Юрагимни очиб қўйдим тонгларга —
Нур кирмаган ҳеч бир ери қолмади.
Қуёш ҳовучлари оташ онларга
Сингидим — кўзимни нурдан олмадим.

Райҳон баргларида елпинди шамол,
Борлиқ тўлиб кетди жаннат атрига.
Кўксимга урилди сойлардан хаёл,
Тераклар шовуллаб кўчди сатримга.

## ХОРАЗМ

1

Хивада шом. Тиниқ тортади осмон,
Мовийлашиб борар ҳарир пардаси.
Хаёлларим — Ипак йўлида карвон,
Минг йиллар қаъридан келар наърaси.

Калта минор — кўкка ўрлаган туғён,
Ярқираб туради ҳар бир тошида
Ҳар битта асрда битилган достон,
Мен ўқий бошлайман уни бошидан...

Хива минорлари воқиф кўп сирдан,
Боши осмондаю оёғи ерда...

2

Хоразм — ўзбекнинг «қуёшли ер»и,
Аллома Беруний сўз таърифида.
Хоразм — дунёнинг энг кўҳна шеъри,
Қуёш мавжланади ҳар бир ҳарфида.

Бунда ҳар бир аср — олмос чўққи тоғ,
Бунда ҳар бир дарахт — шовуллаган боғ.
Бунда ҳар қадамда — бир зиёратгоҳ,
Ҳеч ким туғилмайди бу ерда ногоҳ.

Хоразмни кезиб бўлмас бир кунда,
Бир лаҳзада туюб бўлмас ҳавосин.
Сен ҳам унинг каби ёшардинг чиндан
Эшитганинг сайин қадим навосин.

Бу юрт — улкан тарих, китобга сиғмас,
Тоши оғир тупроқ оташли, қумли.
Чексиз саҳроларга туташар бесас
Аму қирғоқлари зарли, сим-симли...

Хоразмни Хоразмнинг ёшидан
Ўтган дунё ҳамон кезар бошидан!

* * *

Энди шамол билан қоламан,
Олисларга олиб кетади.
Ҳаволарни қалбга соламан,
Шу ҳаволар менга етади.

Энди осмон билан қоламан,
Ёмғирларда, қордами, селда.
Онасини кутган боламан,
Осмон руҳи ҳамроҳдир йўлда.

Энди юлдуз билан қоламан,
Олис юлдуз, энг олис юлдуз.
Сенга бир кун етиб оламан
Ва кўнглимни тўкаман тўкис...

Энди тўлин ой-ла қоламан,
Ёлғизлиги менга ўхшайди.
Нурларини териб оламан,
Бағри жуда кенгга ўхшайди...

Энди хаёл билан қоламан,
Узун тунлар сари элтади.
Сукунатда ором оламан,
Тонгга қадар шу бахт етади.

Энди гуллар билан қоламан,
Улар менинг исмим-жисмимда.
Мен-да райҳон, мен-да лоламан,
Тонг ёришар табассумимда.

Энди йўллар билан қоламан,
Тоғу тошли, қирли-адирли.
Она тупроқ, қулоқ соламан,
Нафасларинг жонбахш, атирли!

МУСАЛЛАМБОНУ

# СЎЗЛАР ДЕНГИЗ, ЮРАГИМГА БОҚ



Момо Ҳаво, тушларимга кир,
Мудроқлаган руҳимни уйғот.
Қурбон бўлган кунларим ҳаққи
Уфқ талашган тонгим бўлиб от.

Қўй бу дунё инжиқликларин,
Сўзлар денгиз, юрагимга боқ.
Одам Ато итоатидан
Эътиқод бўл, томиримда оқ.

Йиғла, осмон, кўнглимга йиқил,
Тунд бўлмагин узундан узун.
Тўлғонингда поклай ўзимни,
Ферузимни туғиб бер, осмон.

Йиғла, осмон, кўнглимга йиқил,

* * *

Оқшом руҳи чўккан шаҳарда
Тентирайди бир дайди хаёл.
Изтиробнинг гўзал бағрига
Бош қўяди телбавор аёл.

Қирқ жонига қирқ қароқчидай
Сеҳрлайди тун кўланкаси.
Сағир қолган кузги новдадай
Увиллайди севги ўлкаси.

Тасодифлар кутади яна,
Иддаолар топади завол.
Ошиқ йигит — минг бир кечага
Эртак сўйлай бошлайди аёл.

* * *

Эй тақдир, суронли кунларинг ҳаққи
Бугун Ҳурриятда уйғонмоғим бор.
Ўзимдан ўзликни топмоғим учун
Бўрону селларда тобланмоғим бор.

Башорат этмоқда, ана, майсалар —
Зангори табассум маликалари.
Ташна руҳ юксалиб бораркан мудом,
Бизлар Ҳурриятнинг вакилалари.

* * *

Азизим, шеър тўла юрагинг ичра
Исмим ифорлари таралсин беҳад.
Ошиқ дунёлардан ғафлат ичмайлик,
Дийдор шарбатини ичайлик фақат.

* * *

Апрель...
Апрель, юрагимга кел,
Хайригулларимда юрибман омон.
Деразам ювмоқда ҳур ёмғирларинг,
Мен сени соғиндим, соғиндим ёмон.

Сен келсанг ҳисларим гуллайди бедор,
Ялпизлар уйғонар чиқариб қанот.
Минг йилки кўксимга бир нигоҳ ботар,
Лойсувоқ томчада қолган хотирот.

* * *

Тўйиб- тўйиб йиғлаб бер, осмон,
Илтижо қил, ёлвор тангримга.
Бугун битта хатоим учун
Қолиб кетдим шайтон касрига.

Ҳикоя

Шодмонқул САЛОМ

# ХАЛАЖИ



Оқбой фермер тележка устида ўтирарди. Теримчилар тушликдан сўнг кенг далага ёйилиб кетишган. Куз илиқ келди, хўжалик иккинчи теримни ҳали якунламай режани бажариш арафасида. Дала четидаги тутқатор ортида фермерлик ташкил этилган йил тикланган омборхонали олд тарафи оқланган уй. Уй олдида нишабга қўйилган уч оёқ трактор турибди. Бу ерга фермернинг оиласи кўчиб келган. Ҳар йили шу. Беш-ўн қўй-қўзи, сигир-бузоғи билан келиб, то ғўзапоя олингунча шу ерда яшайди.

— Ҳей Оқбой, — деб қолади баъзан жўралари, — сен ҳам икки уйли асаларидай бўлиб кетдинг-ей. Илгари, биргадлик маҳалингда яхши эдинг, ўқариқда ётардинг қартани уриб. Энди бўлса бир жойда ўтирмайсан.

— Жавобиям, увол-савобиям ўзимизники бўлгандан кейин шуда. Кўҳнам қаерда — кўнглим шу ерда, деган экан биров. Ризқу насибанг кўкарган жойдан кетгинг келмай қоларкан, — дейди Оқбой уларга.

Ҳали тарозига анча вақт бор эди. Уй томондан мотоцикл товуши эшитилди. Фермер бурилиб қаради, улов бир муддат гур-гурлаб уй олдида турди-да, сўнгра дала бошига ортидан чанг кўтариб кела бошлади. Оқбойнинг кўнгли ғашланиб қўйди. У ким бўлсаям қишлоқдан келаётганди. Мотоцикл ўзига яқинлашгач, таниди. Мактабжўраси Хуррамнинг коллежда ўқийдиган ўғли экан. "Бобо кетибди-да", деб кўнглидан ўтказди Оқбой. Мотоциклдаги йигитча кеча ҳам, бугун ҳам теримга чиқмаганди. Бобоси Ўрол чала уч йилдан бери ётиб қолган. Кейинги кунларда оғирлашиб қолганди.

— Ҳа, невара? — деди Оқбой йигитчага.

— Бобом сизни чақиряпти, бир келсин деяпти, — йигитча ҳовлиқиброқ турар, пастдан тележка устидаги фермерга қараркан, унинг "йўқ" дейишидан қўрққандай қўшимча қилди. — Отам ҳам айтди, бориб амакингни опкел, деди.

Оқбой ака пахта устида талпанглаб қаддини ростлади-да, пастга-далага қараб овоз берди:

— Сафар, ҳў Сафар!

— Ҳов, — деган сас келди даладан, сўнг Сафарнинг соябонли шапкаси кўринди.

— Мен қишлоққа бориб келаман, тарозига ўзинг қараб тур, — деди фермер. Сўнг Сафарнинг жавобини эшитмай йигитчага юзланди-да: "Бобонг гапиряптими?", деди. Йигитча "йўқ" маъносида бош ирғади. Ўрол бобони бир ҳафтача бурун тилдан ҳам қолибди, деб эшитган эди. Шунча вақтдан бери нима ўтган бўлсада мактабжўраси Хуррамнинг юзи учун ҳам бир хабар олмаганини ўйлаб ичида ўзини койиб қўйди. Ҳа, энди нималар бўлмайди, одамзоднинг орасидан не гаплар ўтмайди. Бир-бири билан бир қизаришиб сўнг яна кўрмагандай бўп кетаверади. Момонинг ҳам куни битган-да, қолаверса, бу гапларга минг йил бўлди. Замон ҳам бошқа эди. Мен бўлсам...

Тележкадан авайлаб тушаркан, Оқбойнинг кўнглидан шу гаплар ўтиб турарди. Ерга тушгач уловни келган томонига ўнглаётган йигитчага боқди-да, чағир-кулранг кўзлари айни бобоси Ўрол чаланинг ёшлигини эслатгандай дили бир қалқиб кетди. Болага бир зум ёқимсиз кўз ташлади. Ҳа, кўнгил қолган эди. Энди бу чала чол кетар чоғда Оқбойни нега йўқлаб қолдийкин, ўзи гапиролмаётган бўлса... қандай айтди экан. Ҳа, айтади.

Тўрт чақиримдан зиёдроқ йўлнинг ярмига етмай мотоциклни икки марта суриб ўт олдиришди, сўнг яна ўчиб қолди. Беихтиёр қовоғи солинган Оқбой ака йигитчага "Ўзинг тузатиб борарсан" деди-да, кўндалангига далани кесиб пиёдалаб йўлга тушди. Тутариқдан ҳатлаб ўтгани ҳамон юзига мезон тўри илашди. Оқбой Ўрол бобо уйларига Ўрол назоратчи бўлиб келган илк кунни, сўнг момосини, ундан эшитганларини бир-бир эслаб кетди. Юзига урилган мезон торлари худди хотирадай бирдан хаёлини чирмаб олди.

* * *

Ўшанда ҳам кузнинг илиқ куни эди, далада терим авжига чиққан. Оқбой билан момосигина уйда. Невара момосига ҳадеб бир гапни такрорлайди.

— Эски тишимни ол,
Янги тишимни бер, —

демадингиз-ку момо? Айтинг, кейин томнинг устига ўзим отиб юбораман. Айтинг, бир марта айтинг, моможон.

— Миғиллама-ей, ер торттур, бошимни оғритиб юбординг. Манови чигитни яшириб кел ундан кўра. Сигирга берма, соғаётганда энанг ўзи беради.

— Уфф, яна чигит, бўлди қилинг-эй, ғийқиллатмай.

— Тур дедим. Тавбангдан кетай, етти яшарнинг етмиш яшарга гап ўргатганини қаранг.

Энди еттига кираётган Оқбой қиқирлайди ва дейди:

— Момо, кимга айтяпсиз "қаранг" деб, ҳеч ким йўқ-ку?

— Бобонгга айтяпман. Чигитни яшир. Ўрол чала уйма-уй юрган эмиш, кеп қолса шўримни қуритади.

Боми усулда ёпилган хуржун шакл уч хонали лойсувоқ уйнинг сояси тортилиб қолган айвонида Улаш момо невараси Оқбой билан шу тахлит айтишиб ўтирар эди. Кампир қоқма гилам устида, якандоз кўрпачада, Оқбой унинг рўпарасида тўнкарилган челакка ўтириб олган. Кампирнинг олдида ёйилган фартукда марҳум чолининг деновлик уста ошнаси ясаб бериб кетган пахта чигитлагич — халажи. Шу қишлоқда биргина Улаш момода бор бундай матоҳ. Чорпоя оёғи яхлит ёғочга ўрнатилган бу халажи дегани қўлмошиндай бир ускуна. Қўлмошиннинг қулоғидай мурватидан бураб турилса бас, офтобда ёйилиб, ҳурпайган пахтани иккита бир-бирига қараб тегиб-тегмай айланадиган силлиқ ёғоч соп ямлайверади. Лўппи чигитсиз гул пахта сопларнинг нариги ёғидан йиғилади, чигити ўтмайди. Оқбой шу халажидан ўтган пахтани ҳар замонда йиғиб олади, шунгаям эриниб момонинг ўзи ўргатган маталнамо айтимни айтиб кампирнинг ғашига тегади. Ўн хотиннинг ишини қиладиган бу "гунг келин" (момо халажига шундай ном берганди) кампирга икки йил бурун силлан кетган чолидан ёдгор, қадрдон. Баъзан қўни-қўшни сўраб келгудай бўлса ҳам халажини эҳтиётлашни тайинлаб, истамайроқ беради. Ўзига ярашмаган бир жиззакилик билан қизғонади.

Чоли Тўхтамиш биргадирдан момога икки нарса азиз бўлиб қолган, бири кейинчалик шифер босилган хуржун том, иккинчиси шу халажи. Чоли кетгач уй олдидаги яккаш ўрик ҳам вафо қилмади. Тўхтамиш биргад қон туфлай-туфлай кўз юмган оғир қишдан сўнг ўрик на гуллади, на барг ёзди. Бутун танаси билан ҳаммани ҳайрон қилиб қуриди-қўйди. Чолнинг бедаво дарди дарахтни ҳам олиб кетди гўё. Ўрикни чол ўзи экиб парвариш қилганди, даладан келиб соясида ухлар, біровни яқин йўлатмасди. У дарахт билан гурунг қилаётганга ўхшаб, узоқ вақт жим қолар, шу ерда ором топарди. Қиш олдидан ўрикни қавс сувига тўйдирарди. Совуқ тушган эрта баҳор кунларида оғилдан гўнг оп келиб дарахт тагига ёқарди. Бурқсиб дарахтга тумандай ўрлаган, тутун бўлғуси мевани бемаврид совуқдан сақлаб қоларди. Тенгқурлари чолни Тўхта чирс деб атарди, "Чирс уйдама, Улаш?", деб келаверишарди. Чол чирс, бироз қўрсроқ, гап билмасроқ эди, аммо тўғрисўз банда эди раҳматли. Пичоқ суякка етгунча жим ўтирар, сўнг калласи қизиб раисми, узанги йўлдош ошнасими юзинг-кўзинг демай сўкиб қўяверардики... Унга кўп ҳазил-ҳузул қилишса-да ҳайиқишарди бариси. Чолнинг ўлимидан сўнг қоқ қуриган шу улкан дарахт ҳам чолдан ҳайиқадигандай туюларди. Улар иккиси бир-бирига ўхшаб қолишганди. Ҳа, халажининг ўқловдай икки сопи ҳам шу ўрикнинг шамол синдирган шохидан олинган эдики, момонинг халажини қизғониб яхши кўриши шундан бўлса керак. Ўша йили эрта баҳорда йиқитилган дарахтнинг ҳовлининг ҳар-ҳар ерида дўнграйиб ётган танаси Улаш кампирга тинчлик бермай қўйди. "Йўқот-ча, йўқот" деб ўғли Мардоннинг қулоғига қурт бўлди. Мардон охири трактор билан биргададан беш-ўн киши бўлиб келди-да тўнкани бировникига сумалакка олиб кетиб тинди. Кампир тинчиди.

— Кампир, дунёнинг молига меҳр қўйма, дегич эди отам раҳматли. Биз уч қиз, бир ўғил ўстирдик. Яна шу ўрикни ўстирдик. Билмасам, нима қилдик ўзи?, — Тўхтамиш биргаднинг кампирига дил ёриб айтган гапи шу эди кейинги вақтларда. Аммо Тўхтамиш чол ўттиз бир йил бригадир бўлиб, орттиргани шу бетўхтов йўтал эканини айтмас эди. Нолимас эди сира.

* * *

Оқбой ака ўша кезларни баайни бир эртакдай эслаб ариқ ёқалаб кетиб борарди. Шу ер, шу далалар ҳалиям бор, лекин момоси билан ўтган ўша кун қайтмайди, оғриғи эса босилмайди...

Катталар далага кетишгач, момосининг тиши тушди. Оғзидаги ягона сарғайиб кетган тиш ўз-ўзидан оғримайгина тилига келди. Шу тиш деганлариям одамларга ўхшайди эканда, асли. Бирови кетса бошқа, унга суяниб турганлариям кетаверади экан.

Ярмигача кун кириб келган айвонда халажининг ғийқиллаган товушидан бошқа сас йўқ. Анчагина хаёлга чўмиб қолган Улаш момонинг қулоғига ниманингдир дупурлагандай товуши келди. Момо атрофга олазарак боқди. Оқбой невара кир оёғига кун келиб қоқ гилам устида юзтубан ухлаб ётар, халажининг у ёнида чигитланган пахта йиғилиб қолган, шунга яраша чигит ҳам. Кампир очиқ ҳовлига кўз ташлади ва кириб келаётган Ўрол чала билан яна бировнинг қорасини кўрди. Кўрдию бўғини бўшашиб кетди, шу билан баравар фартук устидаги халажини олиб, пахтани яширишга урина бошлади. Халажининг ёғоч асоси кампирнинг этагига илашиб туришга йўл қўймас, аммо Улаш момо кўзи Ўролда бўлгани учун буни пайқамай, тағин асабийлашар эди. Ўрол чала деганлари йиғим-теримда колхозга назоратчи бўлиб беркитилган, кампирнинг ўғли тенги бир одам эди. Унинг чала дейилишига сабаб ҳам бор. Улаш момо, Улаш кушноч, Улаш доя эди у вақтлар. Онасининг эшига ўралиб етти ойликка етиб-етмай туғилган чақалоқ ўз оти ўзи билан Ўрол чала бўлди. Улаш момо қиш кунида туғилган ярим тирсаккина гўдакни ўраб-чирмаб катта қулоқли телпакка солиб берди. Бешиги шу бўлди. Куни бор экан, яшаб кетди. Пилла бўйича техникумни битириб келиб колхозда назоратчи бўлиб олди. Энди бўлса худди осмондан тушгандай бобоси қаториниям "ўртоқ, фалончиев" деб тухумини туширади.

Одамлар унга "чала"си камдай чуноқ ҳам деб лақаб қўйди. Шу чуноқ-тирновуқ феъли-хуйи сабаб. Бўлса нега бўлди, дейди, бўлмаса нега бўлмади дейдиган бир ичи қорароқ кимса бўлиб элга кирди бу Ўрол. Шу Ўрол чала бир миршабнамо одам билан кириб келди. Ёнидагиси бегона — кампир аввал кўрмаган экан. Қўлтиғида қаппайган папка. Кампир ниҳоят ўрнидан турди ва Ўрол "Улаш момо", деб овоз бериб айвонга келгунча фартукни пахта ва чигит устига қайириб ёпди.

— Ҳа, Ўролбой, келаберинг-е, — деди кампир овози титраб.

Оёғига кирза этик кийган назоратчининг оғзи кампир билан сўрашар эдию икки кўзи атрофга, негадир том устига ҳам аланглар, ёнидаги кимса эса кампирдан кўзини узмай, нигоҳини унга қадаб жим турарди. Момо ҳар нарса деб довдираб гапиринарди.

— Қани, Ўролбой... Мардонбой ҳам қартада, бугун учинчи теримди бошлар экан. Хўш, ҳа...

Ниҳоят Ўролнинг нигоҳи айвонда ўроғлиқ дўппайиб турган фартукда тўхтади, сўнг халажига кўз ташлади-да, кампирга тик қаради:

— Улаш мома, уйда қанча пахта бор?

Ўрол кампирнинг нимадир деб гапирганини эшитмай тўғри бориб фартукни очди ва:

— Мана пахта, мана план, — деб чийиллаб бақириб юборди, — кампир турган жойида чўчиб тушди. Энди гапирмоқчи эди Ўрол гап бермади:

— Момо, шу қилғилиқни Мардон билан сиз қилиб ўтирибсизларда бошқалардан не умид. Мардон бу йил план чиқмаса қамалади, айтиб қўяйин, буни сизга мен айтяпман, — Ўролнинг икки юзи бўғриқиб, бўйин томирлари ўйнаб чиқди. У бор овози билан кампирга ўдағайлар ва фартукдаги пахтани ичидан худди игна қидиргандай уёқдан буёққа тортқилаб, титкилар эди. Шовқиндан Оқбой уйғониб кетди ва анграйиб ўтириб қолди. Ўролнинг сўнги "Мардон қамалади" деган гапи кампирни ўзига келтирди, сўнг тилга кирди.

— Оғзингга тош-ей, сен чаланинг, — деди важоҳат билан — ўзинг қамаласан. Баччанинг юрагини ёрдинг-ку, бўйнинг сингур. Сенинг дастингдан бир чопонлик пахтаям олмаймизма энди, ордона қолсин. План-мланинг билан қўшмозор бўл. Ол, об кет шу бир собом пахта билан сен тўй.

Кампир кўйлагининг узун енгини ҳимариб Ўролга тикка келди. Оғзи беўхшов очилиб, истеҳзо билан қараб қолган Ўрол шеригига аввал қўли билан имо қилди, сўнг овоз берди:

— Ёз, Самад, ҳаммасини ёзиб ол. — Сўнг кампирга қараб давом этди. — Бойсунга қанча пахтани майизга алишиб сотдингиз улингиз билан? Муниям айтинг. Ҳў мома, мен бекорга келмадим, манави халажи билан неча кўрпага пахта олдингиз. Ҳаммасини билиб келдим бу ерга.

Ўролнинг шериги ниманидир тик туриб шириллатиб ёза кетди. Кампирнинг бу бўлмағур гаплардан қони қизиди, бошида оғриқ турди.

— Инсофинг борми ўзи сенинг. Гапираётган гапингни ўзинг ҳам эшитаяпсанми. Ноҳақ туҳмат қилма бировга. Келиним, икки неварам кечқурун йўл-йўлакай чаноқда қолган бир чигитни киссасига териб келган пахта бу, ноинсоф. Нима, шуниям олмасинми? Худодан қўрқ, ўв, ёш бошинг бор. Йил-ўн икки ой шу қартада юриб чопон ҳам киймасинма? Худодан қўрқ, шу бир чангал оқ учун кўнглимни қора қилма.

— Улаш момо, — деди Ўрол ёқимсиз иршайиб кўзини бошқа ёққа оларкан, — Ҳўв мома, мен худодан қўрқмайман, пландан қўрқаман. Хўп-ма? Сиз бўлса... — Ўрол яна фартукка энгашиб овозини баландлатди, — пахта завод очиб ўтирибсиз. Сиз қўрқинг шў худодан. Ёз, Самад, халажи кунига юз кило пахтани чигитлайди. Чигитини молига беради. Пахтасини сотади Мардон биргаднинг онаси, Улаш мома.

Ўрол Самаднинг ёзаётган қоғозига узалиб қарар, кампирга эътибор қилмас эди. Самад дегани ростдан ҳам ниманидир ёзарди.

— Ҳей, Ўрол, иймонсиз! Шу гапларни Нурмат чўтир отанг ўргатдими сенга? Инсоф-диёнатинг борми ўзи сенинг! Отанг бир оёғи гўрда бўлсаям бировларни тирнаб ўтиб эди, сен ҳам шунинг боласида. Қўлингдан бошқа нима келсин яна?!

— Отамди қўшманг бу ерга, мома, ундан кўра айбингизни тан олинг, — Ўрол бирдан асабийлашиб қичқирди ва йиғламоқдан бери бўлиб турган Оқбойнинг ёнидаги халажини даст қўлига кўтарди-да мана сизга пахта сотиш, деб ускунани қаттиқ ерга отиб урди, — Айтинг, яна нечта бор бундай матоҳ. Бу уй ўзи халажига ўхшаб қопти.

Бу гап кампирнинг ҳамиятига тегди, сўнг халажига қараб чинқириб юборди, Оқбой дод солиб момосининг этагига ёпишди. Улаш момо ерга тушиб қийшайиб қолган халажини талпанглаб бориб қўлига олмоқчи бўлди. Шу билан баробар қон қақшаб Ўролни қарғай кетди.

— Ҳай бўйнинг синсин, илойим, менинг ёшимга кирмай жувонмарг бўл. Шу оқ пахтадай бузилиб элдан чиқ. — Кампир яланг ерга ўтириб қолди. Икки қўллаб ишдан чиққан халажини чангаллаганча бақирарди у. — Ҳўв кўппак, сенлар эга бўп қолдингми, сен қирилгурнинг планинг халажи ўзи, ўзи қилган пахтасига ўзи эга бўлолмаган дунёнг халажи. Чигитинг чигит, ғозинг ғоз бўлганда кўрайинда сени. Кучинг менга етган бўлса худодан топ, илойим...

Ўрол билан Самад кампирнинг доллашидан сўнг аста сирғалиб жўнай бошлади. Сим тўсиқдан ўтатуриб Ўрол қоқилиб кетди, лекин кампирдан кўз узмас, бирон сўз ҳам демасди...

* * *

Чироғига ҳашарот айланиб турган айвонда ётган Улаш момонинг пастки қовоқлари ийланган теридай ивиб, йиғидан ҳилвираб кетганди. Унинг атрофида ўғли Мардон, келини, икки қиз невараси жим ўтиришар, оёқ учида Мардон айтиб келган Ҳасан фелдшер ўтирарди. Тепада, чироқнинг тагида эса гаражнинг устаси Чори билан Оқбой невара бир сопи синган халажини чуқулар, фақатгина шу иккисининг ғунг-ғунг товуши эшитиларди.

* * *

Тонг отганда Улаш момо безовта бўлди, бўлак овулга тушган катта қизи ҳам шу ерда эди. Кампир кўзини ярим очиб қийналиб гапирди.

— Тузалди-ма?, — деди у.

— Ҳа, эна? — деди Мардон, момо нимани сўраётганини англолмай, сўнгра, — Ҳа, Чори оқшом созлаб бериб кетди, деб хўрсиниб қўйди.

Кампир кўзини юмди, сўнг шу ҳолда "Оқбой!", деди оҳиста. Кичкина Оқбой маъюсланиб момосининг қошига келди: "Ҳа, момо?", деди секин.

Улаш момо кўзини очмай хиёл жилмайган бўлди-да:

— Нима эди, "эски тишимни ол"миди, шуни айт.

Оқбой отасига қаради. Мардон ўғлига айт, деди секин. Оқбой астагина ғўнғиллай бошлади:

— Эски тишимни ол,
Янги тишимни бер.

— Яна айт, — деди кампир безовталик билан. Юмуқ кўзларидан ёш сизарди унинг, — айтабер...

— Эски тишимни ол,
Янги тишимни бер.
Эски тишимни ол,
Янги тишимни бер...

Улаш момо ўнгланмади, миясига қон урган, дейишди. Ўша куни чошгоҳда жони узилди. Жанозага кўпчилик келди. Келолмаганлар еттисига келишди. Фақат Ўрол келмади. Мардон биргадирнинг олдин ҳам, кейин ҳам режаси тўлмаган ягона мавсуми шу онасидан айрилган йил бўлди. Мардон Ўрол билан идорада кўришди. Ўрол ҳеч гап бўлмагандай унга келгусидаги ишлардан гапирди. Кампирнинг еттисидан сўнг уйдаги сигирни сотиб, Ўролнинг йўриғи билан пулини унинг ўзига берди. План "тўлди".

* * *

Ўрол бобонинг ўзи солган, бир пайтлар фасонга кирган чордоғи баланд уй эндиликда чолнинг ўзидай кўҳна, янги уйларнинг олдида кўримсиз бўлиб қолган эди. Уйни кўриб Оқбой момосининг гапини эслади. Одамнинг кўнглидан бошқа ҳар нима эскиради. Улаш момо шу гапни кўп айтарди.

Ўрол бобо қалин тўшакда, унниққан ёстиққа боши оғир ботиб, кўзини шифтга қадаб ётарди. Атрофида ўғли Хуррам, Оқбой фермер, яна чолнинг қизлари. Кампири кўп йил бурун кўз юмганди. Чол чап қўлоёғинигина сал-пал қимирлатарди. Уч йилча аввал сўридан йиқилиб фалаж бўлиб қолган, лекин яқин-яқингача тилдан қолмаган эди. Оқбойни кўриб унинг серажин, оғир қовоқлари остидаги кўзлари ялтиллаб кетгандай бўлди. Тиззалаб ўтирган Оқбой чолга энгашиб: "Ўрол бобо, мен... Оқбой, келдим", деди, оҳиста.

Ўрол бобо ундан нигоҳини олиб шифтга тикилди, туйқусдан кўзларида ёш милдиради. Кейин яна Оқбойга қаради. Жимлик. Чол чап қўлининг бармоқларини бироз вақт ёзиб-йиғиб турди-да, қўлини секин юқорига кўтарди. Сўнг тушуниксиз бир ҳаракат билан қўлини қимирлата бошлади. Чолнинг тирноқлари бироз ўсган, бўшашиб, титраб турган қўли худди бир нимани бураётгандай ҳавода доира ясаб секин айланаверди, ёшли кўзлари Оқбойда эди. Ўтирганлар ҳайрон бўлиб чолнинг гоҳ қўлига, гоҳ юзига қараб қолди.

Оқбой фермернинг ичида бир нима чирт узилгандай бўлди, бехос титраб кетди. Чолнинг сўнгги илтижосини у англаганди.

Кун шомга қиялаб қолган бир маҳалда Ўрол бобо ётган жимжит хонадан ғалати товуш келарди. Оқбой хаста чолнинг чап томонида, гилам устида халажи айлантирарди. Ўша Улаш момодан қолган, ғийқиллаб айланаётган эски халажи оппоқ лўппи пахтани ямлар, чигити бобонинг ёйиқ белбоғига тушар эди. Ўрол бобонинг юз пайлари гоҳ тиришиб, гоҳ ёйилиб кетар, худди танида санчиқ тургандай ҳар ғийқиллаганда инқиллаб қўярди.

Эртасига, Оқбой фермернинг пахта режаси тўлган кунда Ўрол бобонинг жанозаси ўқилди.

# ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Талқин ва таҳлил

Жавлон Тошкентнинг кўҳна кўчалари — Сағбон ва Чиғатой (ҳозирги Форобий)-ни бирлаштириб турган, Ҳуррият деб аталмиш торгина ва калтагина кўчада истиқомат қиладиган серфарзанд оилада ўсиб-улғайди. Томлари бир-бирига туташиб кетган, синчли ёки пахса деворли, лойсувоқ томли уйларнинг ҳар бирида кам деганда бештадан, ҳатто ўнта ва ундан ортиқ фарзанд дунёга келиб, ду-



малаб-сумалаб катта бўлган. Табиийки, бунақа катта оилани боқишнинг машаққатлари ҳам катта бўлган. Ҳунармандчилик, деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик каби касблар орқасида оила тебратган ота-оналар болаларнинг тақдиридан ташвишларга ботиб, уларни илм олишга кўпроқ ундаганлар. Болалари ота касбини ўзлаштирмаса-да, ёнига кириб, ёрдам беришмаса-да, илм олишларини рағбатлантирганлар. Ўзлари хат-савод билан чекланиб қолган бўлсалар ҳам келажак тараққиёти илмга боғлиқ эканини сезганлар.

Мана шундай шароитда ўсиб-улғайган Жавлон мактаб давридаёқ рассомчиликка қизиққан ва шу йўлдан оғишмай кетаверган. Хўш, нега айнан рассомчиликни танлади?

Ишонч билан айтиш мумкинки, ўсмир Жавлонни шакллар ва ранглар гўзаллиги, нур ва соянинг ажойиб комбинациялари ўзига ром қилган. Расм чизишни ўрганиш учун шу омиллар кифоя, лекин профессионал рассом бўлиш учун камлик қилади, яна қандайдир омиллар бўлган, албатта.

Унинг асарларини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Бири 1992 йилгача, иккинчиси ундан кейинги даврда ишланган. Биринчисидаги асарлар соф реалистик руҳда ишланган, яъни мазмуни ҳам, шакли ҳам оммага тушунарли, одамларнинг гавда тузилиши рисоладигидек, қатъий ўлчамлар билан ишланган. Мисол қилиб. "Ҳосил", "Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийнинг ёшлиги", "Менинг дўстим", "Инсон заковати", "Мен — инсонман" каби картиналарини кўрсатиш мумкин. Булардан баъзиларида кундалик ҳаётнинг оддий манзаралари орқали авлодлар давомийлиги (катталар ва гўдаклар), тўкин-сочин ҳаёт (пишиқчилик) куйланган бўлса, бошқа бирларида инсоният тарихида ўтган буюк алломалар ва уларнинг илмга қўшган ҳиссаларини акс эттирувчи деталлар (она қорнидаги ҳомила, одам бош суяги, коинотда муаллақ сузиб юрган фазогир, алжабр битиклари каби), буюк рассомларнинг сара картиналарига (Леонардо да Винчи, Тициан ва б.) ишоралар тасвирланган. Ҳаммасига хос хусусият — одамлар ҳаёти, орзу-умидлари, қадриятлар ва аждодлар меросига иззат-ҳурмат ва яна, ижодкорнинг қандайдир нозик индивидуал туйғулари сезилиб туради.

1992 йилдан бошлаб ишланган асарлар аввалгиларидан услуби билан фарқ қилади, холос. Бу ҳақда рассомнинг ўзи бундай ёзади: "Мен эски шаҳар мавзуини жуда яхши кўрардим, лекин эплолмайман деб қўрқардим, қуруқ дабдабабозликдан воз кечиб, кўрган-эшитганларимни тасвирлашни хоҳлардим. Бунинг учун янги пластик, ҳаттоки халқ фолклоридек адабий усулга монанд тил лозим бўлиб, уни расм тилига кўчириш керак эди. Бизда унинг ўхшаши йўқ. Мана шунда менга мусиқа ёрдамга келди. Бирдан миямга, ахир ҳофизлар битта қўшиқни турли талқинда куйлашади-ку, деган фикр келиб қолди. Шунда эсимга болалигимда маҳаллада бўлган тўй тушиб қолди. Унга ўша даврнинг барча энг машҳур ҳофиз ва раққосалари — Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Карим Мўминов, Мукаррама Турғунбоева, Фотима Борухова, Берта Давидова, Тамарахонимлар келишганди. Ўшанда улар ҳақиқий санъатни намойиш қилишганди. Уларнинг ажойиб импровизацияларига, машҳур куйларни маҳорат билан, бамайлихотир талқин қилишларига қойил қолгандим. Худди шу хотиралар бирдан, аввал ҳам эмас, кейин ҳам эмас, айнан 1992 йили мени тўлқинлантириб юборди. Нималарга қодир эканлигини бир кўрсатиб қўйишдек болаларга хос шўхлик, ғурур каби ҳиссиётлар



рассомликка бўлган янгича қараш пайдо бўлишига мезон бўлди".

Шундай қилиб, рассом кейинги асарларида одамлар ва ҳайвонларнинг гавда тузилишини аслига ўхшатиш мажбуриятини ўзидан соқит қилди, унинг ўрнига майда-чуйда шаклларга (учбурчак, тўртбурчак, трапеция, доиралар, турли сфералар) мурожаат қила бошлади. Боғча болалари чизадиган расмларга ўхшайди (болаликка қайтиш бўлса керак?). Рангларни ҳам ўхшатаман, деб тиришмади, балки мутаносиблик қонунларидан келиб чиқиб, бошқача танлади. Яна, энг муҳим хусусиятлардан бири — асарга ғалати-ғалати маънолар сингдирилди. Масалан, итнинг елкасига гиламча ташланган, устида бир дона анор ёки бошида анор солинган кашкулча, одамнинг бошига қўндирилган арава ғилдираги ва ҳоказолар. "Фикрлар оқими" усулидаги бадиий асарга ҳам ўхшайди. Жумладан "Хўроз уриштириш", "Лаган ўйини", "Чойхўрлар", "Шаҳризода", "Болалигимиз ёзи", "Кечки суғориш", "Қовун бозори", "Кўза кўтарган одамлар", "Кўҳна мусиқа", "Наврўз" асарлари бунга мисол бўла олади. Умарбековнинг ўзи мана бундай эслайди: "Янги ишларимда янги тўлқинда ижод қилиб, янада эркинроқ ишлай бошладим. Бир-биридан кескин фарқ қиладиган ранглар, шакллар турли-туманлиги. "Бозорга йўл" асаримда тасвирланган ҳамма нарсалар — қоплар, итлар, турли катталикдаги одамлар — уларнинг ҳаммаси бир-бирини тўлдиради, улар шундай усул бўлиб, ҳатто уни кино услуби деса ҳам бўлади — бир кадр ортидан бошқаси пайдо бўлади".

Жавлон Умарбеков эски шаҳар туркумидаги картиналарида замонавий ижтимоий-ахлоқий муаммоларга муносабатларини ранг ва шаклларнинг оҳангдошлиги орқали билдиради. Шаклларни муболағали тарзда ўзгартириб, ҳаракатини кучлироқ тасвирлайди, ранглардан эса кўпроқ сариқ ва қорани ишлатади. Бундай картиналарни тушуниб етиш учун томошабин тасвирий санъат сирларидан олдиндан озгина хабардор бўлиши керак. Шу сабабдан кубизм йўналиши оммалашиб кетмаган. Бу ҳам ижоднинг бир усули. Қолаверса, бадиий адабиётда ҳам, мусиқада ҳам шунга ўхшаш усуллар бор.

Ж.Умарбеков тасвирлаш усулларини ўзгартирган бўлса-да, тасвирий санъат олдидаги масъулиятига содиқ қолмоқда. Ўша-ўша, илгаригидек, одамлар ҳаёти, орзу-умидлари, қадриятлар унинг асарларида бош мавзу бўлиб қолаверди. Уни рассом қилган омиллар ҳам, асосан, ана шулар! Буни ўқувчилик пайтларида ўзи англамаган бўлиши мумкин, лекин ўзи улғайган муҳит таассуротлари дилининг туб-тубидан жой олган ва вақти-вақти билан бир "қимирлаб" қўйган десак, янглиш бўлмас. "Китоблар, болалик таассуротларим" деган сўзлари шундан дарак берса ажабмас.

Бир қарашда Жавлон Умарбековни рассом қилган омилларни аниқлагандек бўлдик, лекин айтилганлар билан чекланиб қолиш тўғри бўлармикин? Сўз билан ифодалаб бўлмайдиган индивидуал туйғуларни эътибордан соқит қилиб бўладими? Умуман олганда, ўзликни тугал англаб етиш мумкинмикин! Ўзимизни тугал англолмай, лекин уни излаш жараёнида янада мукаммалроқ асарлар битиб юрганимиз яхши эмасми? Аслида шу тўғри. Жавлон Умарбековнинг ўзи ҳам буни ҳис этади. Шу сабабли гўзал полотнолар чизишдан, шогирдлари учун қайғуришдан чарчамайди. Куни-кеча Президентимиз Фармонига кўра мукофотланган орасида Жавлоннинг ҳам номи борлиги унинг ўз касбига фидойилиги, куюнчаклиги эътирофидир. Давлатимизнинг юксак мукофоти — "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланганi рассомнинг кучига куч, илҳомига илҳом бағишлаши турган гап. Биз моҳир мусаввирга туганмас ижодий илҳом тилаймиз.

**Қудрат ДЎСТМУҲАММАД**

# ҲОФИЗ, СОЗАНДА, БОҒБОН...

Санъатимиз фидойилари

Таниқли ҳофиз, истеъдодли созанда Саидазим Қудратуллаев номи санъат аҳлига яхши таниш. Устоз ижросидаги "Ўргилай", "Бегоналардан ҳам", "Бозиргоний", "Дилраболардин" каби ашулалар Ўзбекистон радиоси олтин фондидан ўрин олган.

— Мақом куйлашга бўлган қизиқиш болалик йилларимда бошланган, — деб хотирлайди С. Қудратуллаев. — Очиғини айтганда, Истиқлол даври ёшларига ҳавасим келади. Илгари бундай кўркам мусиқа мактаблари, замонавий ижод уйлари қаёқда дейсиз. Катта шаҳарларни ҳисобга олмаганда, керакли анжомларга эга тўгараклар деярли йўқ эди. Илож қанча, мустақил ўрганишга тўғри келарди. Катта ҳофизларга тақлид қилиб дутор, рубобда машқлар қилардим. Маҳалламизга радио келгач, санъатга иштиёқим янада ошди. Бир куни мактабимизда ўтказилган тадбирда севимли шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг "Ўзбекистон" шеърига басталанган қўшиқни куйладим. Бу ижро кўпчиликка маъқул келди. Ўшанда томошабинлар орасидан бир отахон чиқиб "Ишонаман, катта бўлсанг, албатта, машҳур ҳофиз бўласан" деб мени дуо қилди.

Ҳа, ёшлигида ким ҳам санъаткор бўлишни орзу қилмаган дейсиз. Бироқ эл назарига тушиш, ҳофиз дея эътироф этилиш ҳаммага насиб қилавермайди. С.Қудратуллаевнинг санъат оламига кириб келиши осон кечмади. Ўрта мактабни тугатгач, Й.Охунбобоев номидаги тиббиёт билим юртига ўқишга кирди. 1958 йили ўқишни тугатиб, саккиз йил давомида шифохонада ишлади. Ва ниҳоят санъатга бўлган муҳаббати уни Тошкент давлат Педагогика институтининг мусиқа бўлимига етаклади. Бу даргоҳда Жўрахон Султонов, Фахриддин Содиқов, Исоқжон Қодиров, Ориф Алимахсумов, Сирож Аминов, Илҳом Тўраев каби устозлардан мақом сирларини ўрганди. Меҳнат, тинимсиз изланишлар жарангдор овоз соҳибини юзага олиб чиқди. Иқтидорли ҳофиз Тожикистонда ўтказиладиган Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунларида иштирок этиш учун тавсия қилинди. Ўзбек мусиқа санъатининг таниқли намояндаси Юнус Ражабий билан ижодий ҳамкорлик эса унга катта мактаб вазифасини ўтади.

1980 йилда «Ҳосил» халқ мақом дастаси ташкил топди. С.Қудратуллаев мазкур ансамблга раҳбар этиб тайинланди. Унинг бошчилигида жамоа салмоқли натижаларга эришди. Швейцария, Германия, Франция, Голландия, Испания, Бельгия каби мамлакатларда ўтказилган халқаро миқёсдаги фестивалларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритди. Шу жумладан, «Буюк ипак йўли» халқаро танловида қатнашиб, санъат ихлосмандлари олқишига сазовор бўлди.

Маълумки, мустақиллик йилларида халқ ижодиёти, миллий ижрочилик анъаналарини қайта тиклаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Шўро тузуми даврида йўқолиб кетиш хавфи остида қолган қадриятларимиз — Наврўз, Катта ашула, Шашмақом ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилди. Лапар, қўшиқ ва ашула йўналишидаги халқаро ва республика миқёсидаги фестивал ҳамда кўрик-танловларнинг ўтказилиши яхши анъанага айланди. Истиқлол шабадаси кўпгина ҳофизлар қатори С.Қудратуллаевни ҳам янги ижодий парвозлар сари илҳомлантирди. У Алишер Навоий, Машраб, Фазлий, Чустий ғазаллари асосида ўнлаб ашулалар яратди ва мамлакатимизнинг етук ҳофизлари қаторида тилга олина бошлади. 1993 йили «Катта ашула ва лапар ижрочиларининг республика кўрик-танлови»да иккинчи ўринни, орадан бир йил ўтиб ушбу танловда ғолибликни қўлга киритди. Шунингдек, «Фахрийлар куйлаганда» санъат байрамида иштирок этиб, соврин эгаси бўлди.

— Бугун мамлакатимизда ёшлар иқтидор ва истеъдодларини, орзу-истакларини рўёбга чиқаришлари учун барча имкониятлар яратилган, — дейди устоз. — Мен ашула ва қўшиқ ижро этиш учун ўқиш шарт эмас, деган фикрга қўшилмайман. Санъаткор саводхон бўлиши, ноталарни ўқий билиши шарт. Саводли бўлса-ю овозида шира, юрагида дард бўлмаса, бундай ҳофиз мухлислар меҳрини қозониши қийин. Мақом катта овоз имкониятларини талаб этувчи санъат. Бу борада уни операга қиёслаш мумкин.

Айни пайтда С.Қудратуллаев ёшларга мумтоз мусиқа сирларини ўргатиш билан машғул. Шогирдлари Эркин Раҳимов (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист), Музаффарқори Мирмаҳмудов, Абдунаби Мўминов, Абдуваҳоб Йўлдошев, Жаҳонгир Мирзаев, фарзандлари Муҳаммаджон ва Абдулла Қудратуллаев халқ хизматида. Фарғона водийсида урф бўлган катта ашула ижрочилиги, яъни созсиз куйлашни Тошкент шаҳрида С.Қудратуллаев давом эттириб келмоқда.



Санъаткор ҳар жабҳада иқтидорли бўлади, деганлари рост экан. Яқиндан таниганлар устозни боғбон сифатидан ҳам яхши билишади. Бундан ташқари, у танбур ясаш илмини мукаммал эгаллаган.

— Ҳақиқий ҳофизнинг асосий хислати бу унинг одоб-ахлоқидир. — дея таъкидлайди Саидазим ака — Устоз санъаткор Жўрахон Султонов «Халқ орасида товусдек юргин, чунки одамлар юришингдан ҳам ўрнак олади», дердилар. Ҳозирги пайтда айрим ёш эстрада хонандалари устоз санъаткорлар талқинини пухта ўрганмай туриб, мумтоз намуналарга мурожаат қилишмоқда. Натижада асрлар давомида халқимиз юрагидан жой олиб келган ноёб асарларнинг бадиий қийматига зарар етмоқда. Тўғри, анъанавий ижрочиликни замонавий эстрада билан уйғунлаштириш ижобий ҳолат. Бироқ бу йўналишдаги исталган қўшиқ ёки ашулани эстрада талабларига мослаб куйлаш мумкин, дегани эмас. Шунинг учун ёшлардан бу масалага эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни сўрайман.

**Назокат АҲМЕДОВА**

# МОДЕРН-БАЛЕТ ЎЗБЕК САҲНАСИДА

Бошланиши биринчи саҳифада.

**— Нима учун томошага "Д7 modern danse", деб ном берилган? Постановка маълум сюжет чизиғига эгами ёки шунчаки модерн усулида рақс техникаси тақдимотими?**

— Турли характердаги еттита қисқа воқеадан иборат бўлгани учун шундай номладик. Уларнинг барчасини битта чизиқ — умид бирлаштириб туради. Постановкада еттита композиция, еттита ижрочи ва дунё мусиқасидан иборат еттита дискотека жамланган. Очиғини айтганда, ёшлар бугун балетга кам боришади, келажагимиз эса қисман хореография санъати билан боғлиқ. Шунинг учун постановкамиз асосан ёшларга мўлжалланган. Буни менинг Ўзбекистонимиз ёшларига байрам совғам деса ҳам бўлади.

**— Иш жараёнида ёш артистлар фақат сизнинг кўрсатмаларингизни бажаришдими ёки ўзларига ҳам ижодий қўшимчалар қилишга имкон бердингизми?**

— Менинг қарашим шундайки, артист ҳамиша услуб доирасида ўзидан ниманидир қўшиши керак. Бу постановкада ҳам ўзлари нималарнидир ихтиро қилишларига имконият яратдим. Муаллиф сифатида болаларга маълум воқеаларни тайёрлаб бердим.

Шундай бўлдики, воқеалардан бири саҳнада уни жонлантириши керак бўлган қизнинг ҳаётидаги воқеа билан айнан бир хил бўлиб чиқди. Бу ҳаммамиз учун ажойиб янгилик бўлди ва катта ижодий завқ-шавқ бағишлади. Ўша қизнинг саҳнадаги ижросини кўрсангиз, сиз ҳам воқеани дарҳол фаҳмлаб оласиз.

**— Қандай ижодий режалар билан қайтаяпсиз?**

— Ўзимизнинг ўзбек ёшлари билан ишлаш барибир бошқача. Бунинг устига, биринчи марта ўз Ватанимда — Ўзбекистонда маҳорат дарси ўтдим. Болаларнинг самимийлиги ва сезгирлиги иш жараёнида катта ёрдам берди. Ҳар бир талабада катта имкониятлар мавжуд. Асосийси, уларда янгиликни ўзлаштиришга интилиш ниҳоятда кучли. Шу сабабли биз ҳали лойиҳалар устидаги ишларни давом эттирамиз, деб ўйлайман. Хуллас, ҳали кўп ижодий ишларни амалга оширамиз.

**Римма СОБИРЖОНОВА суҳбатлашди.**

# ИБРАТХОНА УЧУН ИБРАТЛИ ИШЛАР

Бошланиши биринчи саҳифада.

Айтиб ўтиш жоизки, қурилиш ишлари олиб борилаётган кезларда давлатимиз раҳбари ташриф буюриб, театр биноси қандай кўринишда бўлиши, актёрлар ва томошабинларга яратилиши лозим бўлган қулай шароитлар ҳақида зарур кўрсатмалар берди. Театр биноси очилиш маросимида Президентимиз айтган сўзлар ҳали ҳам ёдимда: "Биламан, одатда бундай маросимларда, тантана ўтгач эса, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларда эски замонлардан қолган, бир қолипдаги гап такрорланиши мумкин.



Яъни, бу санъат кошонасини Президентнинг, давлатнинг, мамлакатнинг, ҳукуматнинг, Маданият ишлари вазирлигининг, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг, керак бўлса, мана шу Шайхонтоҳур туман ҳокимлигининг, балки яна бир қанча катта-кичик раҳбарларнинг сахийлиги, ғамхўрлиги сифатида таърифланишини кутишимиз мумкин.

Лекин, бу борада мен шуни айтмоқчиманки, бу театр биносини бунёд қилганимиз ўзбек маданиятининг истеъдодли намояндалари бўлмиш сизларнинг олдингизда, қолаверса, сизнинг тимсолингизда бугунги ёруғ кунларга етиб кела олмаган буюк санъаткорларимизнинг руҳи олдида биз ўз қарзимизни, ўз бурчимизни адо этганимиз ифодаси, холос."

Театримизга "Миллий" деган мақомни бериш ғоясини ҳам айнан Юртбошимиз таклиф қилган. Шу муносабат билан 2001 йилнинг 21 сентябр куни Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига "Миллий театр" мақомини бериш тўғрисида фармон эълон қилинди. Шу кунларда ушбу санага ўн йил тўлди. Бу қисқа муддат бўлиб кўриниши мумкин, бироқ ана шу давр театримиз тарихида бутунлай янги, нурли бир саҳифа бўлди.

Дунёнинг бирон бир мамлакатида театр санъатига, актёрларга бу қадар катта эътибор берилаётганини мен билмайман. Сиз ҳам билмайсиз. Мана, қаранг мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги арафасида театримизнинг олти нафар аъзоси давлат унвонлари ва орденлар билан мукофотланди. Малика Иброҳимова Ўзбекистон халқ артисти, Хосият Ҳусанова Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлди. Рихсихон Иброҳимова, Яйра Абдуллаева "Эл-юрт ҳурмати" ордени, камина "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирландик. Ўзим ҳақимда айтадиган бўлсам, камтарона меҳнатим шундай юксак мукофот билан баҳоланганидан бошим кўкка етди. Ушбу мукофотлар барчамизга, жумладан менга ҳам масъулият юклайди.

Айни пайтда театримизда ижодий жараён қизғин. Октябр ойида бўлиб ўтиши режалаштирилган халқаро театр фестивалига таёргарлик кўриш билан бир вақтда янги спектаклар устида иш бошланган. Навбатдаги мавсумда муҳлисларимизга "Тоҳир ва Зуҳра" (Усмон Азим), "Сипоҳлар уйи" (Гулнора Раҳмон), "Ҳамидбой акам ёҳуд алихонлик Гамлет" (Лутфулла Маҳмуд) каби спектаклларни тақдим этиш ниятидамиз.

**Эркин КОМИЛОВ,**
**Ўзбекистон халқ артисти**

# АЁЛЛАР ГУЛДАСТАСИ

Кўргазма залларида





Бошланиши биринчи саҳифада.

"Касбимни севаман, рангтасвир ҳаётимнинг мазмуни,— дейди Искра Шин. — Биласизми, ўлкамиз табиати жуда гўзал, бу гўзалликнинг чегараси йўқ. Ана шу чексиз гўзалликка бурканган борлиқнинг очилмаган сирлари кўп. Қалбида ғайрати жўш урган ҳар бир ижодкор табиат гўзаллигидан илҳомланиб, кўплаб ҳайратларга тўла асарлар яратиши, янгиликлар қилишига ишонаман. "

Искра Шин Корея, Вена, Венеция, Флоренция ва Рим каби давлатларда асарларини муваффақиятли намойиш этган.

Рассом Сайра Келтаева портрет жанри устаси бўлиб, Шарқ аёлларини ва этнографик безаклар билан бойитилган шарқона қиёфаларни жозибали тасвирлайди. Мусаввира Кумушкон қишлоғида улғайгани боис йиртқич қушларни ҳам жуда ишонарли чизади. Картиналаридаги аёл жозибаси, сирли нигоҳи, антиқа либоси, сокин ранглар уйғунлигида ажиб манзара касб этиб, томошабинни жалб этади. Сайра натюрморт ва манзара жанрларида ҳам салмоқли ижод қилади.

"Мазкур кўргазмамни "Мовароуннаҳр билакузуги" деб номладим — дейди рассом. — Асосан аёллар сиймоси намойиш этилган. Мунис аёллар образи уйғунлашган манзараларда Мовароуннаҳрнинг қадимий тарихини, гуллаб-яшнаган маданиятини намоён этишга ҳаракат қилдим. Аёл либоси ва тақинчоғига қараб у қайси замонда ва қайси ҳудудда яшаганини билиш мумкин".

С.Келтаеванинг асарларини АҚШ, Гавайя, Туркия, Москва, Санкт-Петербург, Пекин галереяларида учратиш мумкин.

Ҳайкалтарош Марина Бородина қайси хомашёда санъат асари яратмасин,темир, ёғоч ёки бронза, барчасини ўринлатиб ишлата олади. "Дорбозлар","Қуш туғилиши", "Ҳолат"-,"Геолог портрети" каби асарларида Марина инсон ва табиат ўртасидаги абадий муносабатларни тасвирлайди.

"Марина таниқли ҳайкалтарош Анвар Раҳматуллаевнинг шогирди. Унинг ҳар бир кўргазмасида янги асар ва воқеага бой инсталляцияларни кўриш мароқли, — дейди санъатшунос Ойгул Кўзиева. — Ҳақиқий санъат асари ким томонидан яратилишининг аҳамияти йўқ. Муҳими, мукаммал санъат асари яратилиши. Марина бир қарашда эркаклар иши бўлиб туюлган турли темирларни пайвандлаб ғаройиб инсталляциялар яратади." Мариналинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: " Геологлар оиласида улғайганимга қарамай, болалигимдан ҳайкалтарошлик тўгарагига қатнаганман. Агар аёл киши чин дилдан меҳнат қилса ҳамма ишнинг уддасидан чиқар экан. Ижодкорда мақсад ва ғоя бўлса, ҳайкалтарошликда ишлаш қийин эмас. Менга темир юмшоқдек туюлади. Гипс, лой, бронзада ишлаганимда, иш жараёни жуда кўп бўлади. Хуллас, ҳар бир хомашёни хусусиятидан келиб чиқиб ишлатаман".



М.Бородина кўплаб халқаро кўргазмаларда қатнашган. "Келажак овози", "Навқирон Ўзбекистон", "Арт-шаҳар" реклама танловлари ҳайъати аъзоси. Асарлари Ўзбекистон Бадиий академиясининг Бадиий дирекцияси фондида сақланади.

**Сарвара ҚОСИМОВА**

Алексей ПОПОВ олган суратлар.

# САДОҚАТ

Премьера

Бу сўз осонгина талаффуз этилса-да, аслида унинг уддасидан чиқиш кишидан катта жасорат, сабр-бардош талаб этади. Айниқса, аёлнинг садоқати шунчалар гўзал, шунчалар беқиёс, беғуборки, шунинг учун ҳам у ҳар доим эҳтиромга сазовор. Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрида намойиш этилган "Қайнонанинг куйилиши" ("Садоқат", муаллиф — Тўхтахон Раҳимова) мусиқали драмаси томошабинни яна бир бор шу ҳақда ўйлашга, мушоҳада қилишга ундайди.

Ўзи тўйса ҳам, кўзи тўймайдиган қайнона Кароматқудаси Қумрини қўша-қўша савату сарполар қилмагани учун айблаб, келини билан ўғлининг ширин ҳаётини бузишга ҳаракат қилади ва охир-оқибат бунинг уддасидан чиқади. Олий маълумотли, тарбияли келин Саиданинг рўзғор ишларига елиб-югуриши ҳам, мактабда ишлаб катта маош олиб келиши ҳам қайнонанинг "кемтик" кўнглини тўлдиролмайди.

Онасининг раъйини қайтаролмаган куёв Баҳром эса хотини билан ажрашиб, иккинчи марта турмуш қуришга рози бўлади. Бу сафарги келиннинг уйидан келган савату сарполардан яйраб-яшнаб ўтирган Каромат бошига бир кун оғир мусибат тушиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмасди. Кутилмаганда автоҳалокатта учраб, ногирон бўлиб қолган Баҳромни хотини Лайло ташлаб кеттач, катта хатога йўл қўйганини англаган қайнона пешонасини қайси деворга уришини билмай турганда, биринчи келини Саида уйига қайтиб келади ва эрини парваришлаб, оёққа турғизади. Спектакл ана шундай жиҳатларига кўра томошабинга ибратли таъсир кўрсатади, оила, эр-хотин муносабатлари, турмуш машаққатларига жиддий ёндашиш кераклигини уқдиради.

Асосий ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Карима Расулова, Меҳри Абдуллаева, актёрлар Маҳмуд Мусабоев, Нуриддин Исмоилов, Равшаной Ражаббоева, Дилдора Аҳмедова, Азиза Каримова ижро этган. Саҳналаштирувчи режиссёр — Жавлон Жўраев, мусиқаларни Маҳмуджон Иномов басталаган.

**Нафиса ИСМАТУЛЛАЕВА**

# КУЗ ҲИКМАТЛАРИ

«ЎзАС» галереяси

Таниқли рассом Зуҳриддин Исломшиковнинг "Пском дарёси қирғоғида тонг" асари Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланиб очилган кўргазмада намойиш этилди. Унда Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларидан бири бўлган Пском дарёси, унинг қирғоғидаги кузги манзара-лавҳа эпик қамровда намоён бўлган.

Леонардо да Винчи тасвирий санъат ҳақидаги рисоласида шундай ёзган эди: "Рассом қалби бамисоли кўзгудек бўлмоғи лозим, зеро, кўзгу ҳар вақт объект (маскан) сифатида ўз қаршисида турган предмет рангига айланади ва рўпарасида нечта нарса бор бўлса, ўшанча тасвир билан тўлади". Зуҳриддин ана шундай тамойилдан келиб чиқиб, асарида умумий манзарани матога кўчирар экан, унга поэтик руҳ бағишлашга интилади. Асар сюжети гарчи бевосита ҳаётнинг аниқ кўринишларидан (яъни, натурадан) олинган бўлса-да, у кўпроқ ҳаётий таассуротлар ва хаёлдан туғилган унсурлар билан бойитиб борилган. Реалистик ижодий таълим самараси рассомнинг барча асарларидаги каби бунда ҳам намоён. Яъни, тасаввур ва реалликнинг ойдин саҳифалари бўёқларнинг мослаштирилган жилвалари ва ўйинларида намоён бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Зуҳриддин манзара жанрида панорамали, қамрови кенг композицияда ўзини эркин ҳис қилади. Бу бир қадар унинг бошқа тенгдошларидан устун томонларини намойиш этади. Бундай асарларида аниқ образлар билан бир қаторда бадиий образлар ҳам киритиб, бойитилганини кўрамиз. Шунинг учун ҳам бу манзараси картина жанрига яқинлашиб боради. Асарда мовий, сариқ, қирмизи ва оқ ранглар устивор бўлиб, улар зиммасига салмоқли "вазифалар" юкланади. Чунончи, бу ранглар табиат ўзгаришларини ифодалашда яна юз минглаб нимрангларга, тусларга айланади, шу аснода улкан мусиқий поэтик манзара ҳосил қилади. Куз фасли тўқ рангларга бой бўлиб, мато юзасида қалқиб турса-да, уларнинг бағрида яширинган илиқ ва совуқ оч ранглар манзаранинг ҳар бир бурчагида меъёрида бўй кўрсатади.

Асарнинг олдинги қаторида от-аравада, кичрайтирилган ҳолда бўлса ҳам, ўрта ёшдаги ва ёш одамнинг йўлда кетиб бораётгани тасвирланган. Йўлнинг нариги томони – қирғоқда узумзор, дов-дарахтлар, ёғоч четан деворлари кўриниб турган чоғроққина дала. Дала ортида мовий дарё. Унинг мавжлари сезилмайди, осмон сингари сокин. Тоғ бошида мафтункор қорлар. Қуёшнинг илк тонгги нури тушгани учун қорларда майин живирлашлар сезилади. Қирғоқдан узоқлашиб бораётган замин ва тепаликларнинг у-бу ерларида онда-сонда яшил чим, гиёҳлар ҳам учраб туради. Заминнинг беминнат бағридаги турфа чечакларга инган гуногун ранглар... Энди олтин ва қирмизи рангга ўтаётган дов-дарахтлар... Рассом бу ерда яшил ранг билан оч сариқ ва қизараётган туслар – нимсариқ, қирмизи, бинафша рангларни ёнма-ён қўяди.

Картинанинг ўнг томонида, бу ердан ўтган жуда катта йўл баландлигида – яна чечаклар ила безанган тепалик ён бағирлари, ям-яшил арчалар, ўтлаб юрган сигиру отлар... Сигирнинг кулранг, тарғил рангда берилиши, оқ ва қорамтир отларнинг ғира-ширада кўриниши ҳам манзарани ёқимли тусга киргизган. Йўл эса янада ғаройиб.

Тонгги йўлни кузатганмисиз? Заминнинг, йўлнинг ранги тонготар пайтида жуда бўлакча бўлади. Рассом мана шу нозик рангларнинг ўзгаришларига алоҳида эътибор қаратади. Биз баланд тераклар учларидаги сариқ-қизил аралаш япроқлар шитирлашларини тинглагандай, ариқ бўйларида харсанг тошлар, кузги боғ, дарё, тоғларнинг кўз илғамас наволарини сезгандай бўламиз. Бу сезгилар замирида туғилган туйғулар рассом топа олган уйғунлик ҳикматини англашдан келиб чиқади. Биз сўқмоқда ҳам, катта-кичик йўллар рангида ҳам рассом берган меҳрни ҳис этишимиз мумкин.

Йўнғичқазорнинг тонгги кўринишида узумзор иҳота қилиниб, четанлар билан ўралган далада ҳам ана шу шукроналик ҳисси сезилиб туради.

Узумзорнинг ҳосиллар йиғиб олингандан сўнгги манзарасидан ҳам рассом жозиба топа олган, у ердан ранго-ранг, ажиб бир майинлик уфуради.

Олислардаги тоғлар, уларнинг дарё бўйидаги ҳали қор тегмаган тоғ ёнбағирлари ҳаво билан бойитилган. Улардаги ранглар эса ним яшил, ним мовий, ним сиёҳ, яна қизарган оч қизил, нафармон... Рассом бу рангларни дарахтзору бутазорга ҳам кўчиради... Қорлар ниҳоятда жилвали, уларнинг соялари сирли. Чўққилардаги мусаффо оқ сукунат кишини чорлайди. Пском дарёсига икки томондан қуйилаётган сув янада фусункор.

Четан девор орасида иккинчи аравани кўрамиз. Унда қизил кўйлакли ёш ўспирин пичан ортмоқда. От-араванинг олд қисмида иккита от – саман ва қизил от турибди. Кузги пичан ғарамлари. Бир оиланинг куз ташвишлари. Бу ер-дала, дарё бўйи шу оилага тегишли. Эътиборни тортадиган нарса дарахт шох-шаббаларидан қилинган четан деворлар, унинг ўзига хос ёғочдан ясалган одмигина дарвозачаси. Дарёга диққат билан назар солинса, сувнинг ранглари қуйи томонга ўзгариб боради. Унинг ўртаси қуюқ бўлса, қирғоққа яқинлашган сари сув ранги майин ва сийраклашиб, оқиштоб тусга кириб борган. Бу ерда қуёш нурининг мўллиги ҳисобга олинган. Сув оқими янада мовий рангга кириб, сокин оқмоқда. Дарёнинг қирғоғи бир тепалик билан тўсилган ҳолда айланиб оқишини тўсатдан сезиб қоламиз. Рассом бу жой панорамасини акс эттириш учун дарёнинг ўзи сингари чўзиқ мато ҳажмини, уни кўндалангига, узун ҳолида танлаб ишлагани бежиз эмас.

Рассом ўзлаштирилган ва қўриқ ерларнинг алоҳида фарқларини ҳам кўрсатишга ҳаракат қилади. Олдинги қаторларда ёввойи ўсимликларнинг лошларию хазонлари, уларнинг бир-биридан фарқлари, гуллаб энди мева тукканларигача илғаш мумкин. Картинанинг чап томонида, баланд дарахт билан ёнма-ён инсон қўли билан ясалган ҳовуз томошабин эътиборини тортади. Суви яримлаган ҳовуз атрофи ёғоч четанлар билан муҳофаза қилиб қўйилган. Рассом ҳовузни одамнинг кўз косаси, кўз қорачиғига ўхшатиб чизгани диққатга сазовор. Дарахтларни тасвирлар экан, уларнинг баланд қисмидаги ранглар билан ўрта ёки паст қисмидаги ранглар бир-биридан кескин фарқ қилишига эътибор беради. Уларнинг тик қомати, эгилиб ўсадиганлари ва улардаги ўзаро муносабат ҳам тасвирий ечимда ўзига хос. Бу аввало уларнинг шарпаларида, сояларида, ҳаттоки қуёшда тобланаётган рангларида кўринади.

Рассом бир дарахт тагида ўтириб уймаланаётган оқ рўмолли ёш қиз қиёфасини ғира-шира тасвирлайди. Унинг эгнидаги яшил кўйлак ва тиз чўккалаган ҳолдаги тасвири композицияни янада бойитган.

Ҳар бир асарнинг ўзига хос мақсади бўлиши табиий. Бу асар томошабинда Пском манзараси ҳақида ёрқин тасаввур уйғотади, айни тасаввур унинг энг гўзал бисотига айланади, қалбини аллалайди, шуури тиниқ тортади. Кундалик ташвишларга кўмилиб ётган одам қалбига уфурган бундай сокин манзара некбин орзулару дориламон куз, замон осудалигининг ажиб ҳикматларини англатса, бу буюк неъмат эмасми!

**Нодир НОРМАТОВ**

# ҚАНД — «ҚАНД ЭМАС»

Саломатликка зиён етказмаслик учун бир кунда қанча миқдорда қанд истеъмол қилган маъқул? Дармондорилар, минераллар, ёғ, туз ва таомлардаги бошқа моддаларнинг кунлик меъёрлари мавжуд. Қанднинг меъёрига келганда эса, ҳатто мутахассислар ҳам бош қашиб қолишади. Чунки XXI аср бошига қадар мутахассислар қандни жуда оз миқдорда истеъмол қилишни маслаҳат бериб келдилар.

Бироқ Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2004 йилдаги 57-мажлисида қанднинг саломатликка зиён етказмасдан истеъмол қилиш мумкин бўлган меъёрлари маълум қилинди. АҚШдаги қанд ишлаб чиқарувчи саноат гигантлари ташкилотга тазйиқ ўтказиб, сизларга ажратиладиган маблағларни «қирқиб қўямиз», дея таҳдид қилишди.



Оқибатда АҚШ соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган бир кунлик қанд истеъмол қилиш меъёрлари Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсия этган меъёрларга қараганда икки ярим баробар кўп ҳолида қолди. Шунинг учун ҳам АҚШдаги юрак ассоциацияси бир кеча кундузлик қанд истеъмоли меъёрини шу муддатдаги қанд каллориясини беш фоизи миқдорида қисқартиришни расман тавсия этмоқда.

Яқинда АҚШда кўп миқдорда қанд истеъмол қилишнинг юрак ва қон томирларга катта хавф туғдиришига доир маълумотлар эълон қилинди. Агар қанд юқори фруктоза сиропи тарзида истеъмол қилинса, саломатлик учун ўта хавфли экан. Америкада қанд моддаси маккажўхоридан олиниб, барча таомларга қўшилади. Улар қондаги холестерин ва лецедлар миқдорини кескин ошириб юборади. Бу ҳол атеросклерознинг ривожланишига, демакки, инфаркт, инсулт, стенокардия ва бошқа қон томир хасталикларига олиб келади.

«Юқори фруктозали сироп» ҳозир, асосан, хориждан харид қилинадиган маҳсулотлар таркибида мавжуд. Бироқ одатдаги сизу биз ўрганиб қолган қанд ҳам асло «қанд эмас». Унинг семириб кетишга олиб келиши ҳақида олимларда ҳеч бир шубҳа-гумон йўқ. Бу таркибида турли миқдорда қанд бўлган таомларни истеъмол қилувчи одамлар саломатлигини кузатиш ва текшириш натижасида аниқланган. Бу ҳол биохимиклар томонидан ҳам тасдиқланган: кўп миқдорда организмга тушадиган қанд ёғларга айланади. Қанд мушакларда глюкозага парчаланади ва қонга сўрилади. Унинг бир қисми жигарда туриб қолади ва қатор биокимёвий жараёнлардан сўнг ёғга айланади. Ёғли тўқималарга глюкозанинг бориб етиши инсулинни талаб қилади. Глюкоза қанча кўп қабул қилинса, уни парчалаш учун шунча кўп инсулин дармони ҳосил бўлади. Бу ҳол, аввало, семириб кетишни, сўнгра эса қандли диабетни келтириб чиқаради ва оқибатда қон босимининг ошиши ҳамда атеросклерозга олиб келади. Бу хасталиклар бир-бирининг кучайишига ёрдам беради, муайян механизмлар доирасида одамни фожиали ҳолларга юзма-юз қилиб қўяди.

Соғлиғинг — бойлигинг

Бугунги тиббиётчилар мазкур хасталикларни ягона ҳолда таърифлаб «метоболик синдром», деб атамоқда.

Чой, қаҳва, творог, компотлар, мураббо, қатиқ, бўтқаларга қўшиладиган асал, шарбатлар ва табиий сироплар билан биргаликда истеъмол қилинадиган барча ширин-шакар моддалар миқдорини эринмай чўтга солсангиз, у албатта, тавсия этилаётган меъёрдан ошиб кетади. Буни асло унутманг.

Икки, уч ёшдаги болалар истеъмол қиладиган қанднинг ўртача бир кеча-кундузлик меъёри 25 граммдан, 4-8 ёшдаги болаларники — 30 — 35 граммдан, 9-13 ёшдаги қизлар ва 50 ёшдан ошган аёлларники — 40 граммдан, 9-13 ёшдаги ўғил болалар, 14-18 ёшдаги қиз болалар ва 30-50 ёш оралиғидаги аёллар истеъмол қиладиган қанд миқдори — 45 граммдан ошмаслиги керак.

Қизлар 19 ёшдан бошлаб, аёллар 30 ёшгача, эркаклар 50 ёшдан сўнг бир кеча-кундузда 50 грамм, шунингдек, 30-50 ёш оралиғидаги эркаклар 55 грамм, 19-30 ёш орасидаги йигитлар эса 60 граммдан зиёд қанд моддаларини истеъмол қилмасликлари зарур.

Қандли диабетга, қон босими ошиши ва атеросклерозга чалинишнинг олдини олишда бу энг муҳим йўллардан биридир.

# ҚАНЧА СУВ ИЧИШ КЕРАК?

— Ортиқча сув ичилганда таом ҳазми қийинлашади, юрак-қон томир тизими ва буйраклар иши оғирлашади. Буйрак ва тер безлари орқали организмдаги фойдали моддалар чиқиб кетади, мушаклар иши бузилади, баъзан қалтираш келиб чиқади, — дейди шифокор Г.Холмогорова. — Доимий чанқаш касалликдан, масалан, қандли диабетдан белги бўлиши мумкин.



Кам сув ичиш ҳам организм фаолиятини ёмонлаштиради: вазн камаяди, қон қуюқлашади, ҳарорат ошади, юрак тез уради, чанқаш бошланади. Соғлом одам кунига 1,5-2 литр тоза сув ичиши керак. Таомлардаги суюқликлар билан бирга 3,5 литр бўлади. Бу кам жисмоний меҳнат билан машғул бўлганлар учун муайян меъёр. Ўртача жисмоний меҳнат билан банд кишилар 5 литр, очиқ ҳавода оғир иш бажарувчилар 6,5 литргача суюқлик ичиши керак.

*“АиФ”дан*

# ЎЙИН ЗЎР БЎЛДИ!..

— Кеча ўйин зўр бўлди-да! Умрим бино бўлиб ҳали бунақасини кўрмагандим.

— Ҳа-ҳа, мен ҳам. Ҳақиқатдан зўр бўлди!

— Зўр-р... Бундан чикди, биродар, сиз ҳам ишқибозмисиз дейман?!

— Ишқибозингиз нимаси?! Одамни хафа қилаяпсиз. Ўйин деса ўрдан, тўппи деса тепадан ташлаб юборадиганлар хилиданмиз. Аммо тўғри айтдингиз, кеча ўйин зўр бўлди!

— Зўр бўлди! Раҳмат сизга! Футболда фикрдош эканмиз. Аммо, кеча катта кўчада биттасига «Ўйин зўр бўлди!» десам тўсатдан тутқаноғи тутиб қолса бўладими?!

— Ҳа, энди ўйин зўр бўлгач... Бечора қаттиқ ҳаяжон туфайли ўзини йўқотиб қўйгандир-да?!

— Зўр бўлди! Зўр бўлгач, «Зўр бўлди!» дейиш керак-да, ахир. Аммо менинг ишқибозлик тақдирим сал бошқачароқ кечган. Болалигим денг, шаҳарнинг энг шовқин-суронли маҳалласида ўтган. Тасаввур қилинг! Бир томонда — «Темир қушлар» туну кун кўкка парвоз қилишади. Иккинчи томонда эса поездларнинг бир маромдаги тинимсиз тақир-туқури... Сал нарида «Шоҳбекат»... Хуллас, автобуслар «алласи-ю», сут ўрнида самолётларнинг «ўкириги»ни эмиб...

— Шошманг, шошманг, биродар. Ахир, ўйинга автобус «алласи-ю», самолёту паровозлар чинқириқ-ўкиригининг нима алоқаси бор? Ундан кўра, айтинг-чи, кечаги ўйин...

Ҳажвия

— Бе, қаёкда. «Ўйиннинг зўрини кўрмоқчи бўлсанг, бозиллаган бозорга борда, боди!» деб ўдағайлаб қолса бўладими?!

— Ўйин зўр-р... Ие, ўйинга бозорнинг нима дахли бор экан?

— Унинг учун дахли бор экан. Бояқиш, юриб турган мошинасини неча тоннадир пиёзга «бартер» қилиб, кўп қаватли уйининг балконига босган экан...

—Хўш-ш, хўш... Кейин пуллаб, ақчани белига бойлаб жаҳон чемпионатига-а?!

— Афсуски, йўқ. Унақа «ўйин»дан ўқ чиқади-да! Пиёзи жойида кўкариб, селитраси сув бўлиб оқиб, роса чув тушибди. Футболга қизиққанда-ку?! Мана, масалан, кечаги ўйин...

— Зўр бўлди! Ҳа, унақаларга қолса, стадионга сабзи эктиришдан ҳам тап тортишмайди. Бизнинг ишхонада ҳам денг, битта шунақаси бор. Чакаги чақа, танглайи танга билан танғилган. «Спорт» десанг «сўм» дейди, «Футбол» десанг «Пул бор?!» дейди. Ўшанга кеча «Ўйин зўр бўлди!» десам, нима дейди денг?!

— Ҳа, энди ўйин зўр бўлгач...

— Э-э, қаёкда! Афтимга узоқ термулиб тургач, «Ўйинга мен ҳам ишқибозлик қилсам, неча пул беришаркан-а?!» дейди! Кўрдингиз?! Аччигим чиқиб ўзимни очиқ турган деразадан отиб юборай дедиму, яхшиям кечаги ўйин...

— Зўр бўлди! Бу дейман биродар, ҳақиқий ишқибозмисиз дейман? Сир бўлмаса айтинг-чи, неча ёшдан бу ўйинга...

— Кечаги «зўр ўйин» ҳаққи қасам ичиб айтаманки, менинг киндигим стадионда кесилган! Очиқроқ айтсам, отам ўйингоҳда қоровул, онам эса фаррош бўлишган. Ўзим ҳам болалигимдан стадионда сигарет, семичка, «минералка» сотганман. «Спортлото»дан «футболка» ютганимда ақлим оғиб қолаёзган. Шу-шу йилдан-йилга ўйинга меҳрим жўш уриб... Айниқса, кечаги ўйин...

— Зўр бўлди! Буни қаранг, ҳатто ишқибозлигимиз ҳам бир-бирига эгизак экан!

— Йўғ-е? Наҳотки сиз ҳам стадионда... Лекин, олдин айтинг, кечаги ўйин...

— Зўр бўлди! Аммо «алоқаси борлиги» шундаки, энди суягим қотиб, оғзим ошга етганда бу тарздаги «ҳузур-ҳаловатимга» кўз тегди. Бизга шаҳарнинг чумоли юрса ҳам оёғи «тақаланадиган» хилват ва сокин гўшасидан янги ҳовли-жой беришди. Бошқаларни билмадиму ўша кундан бошлаб, менинг оромим йўқолди. Уйқу ўчди. Карахтлик ўз оғушига олди. Сездимки, шовқин-суронли муҳитга кўнгил кўникиб қолган экан. Дўхтирлар ҳам бу «дардим»ни тасдиқлашди. Хўш, энди нима қилмоқ керак? Эски жойимга кўчиб борай десам, бошпанам таг-туги билан бузилган. Вокзал-бекатларда ётиб турай десам, уйи бор, бола-чақали одамга тўғри келмайди. Айтинг-чи, бундай пайтда сиз нима маслаҳат берардингиз?

— Албатта, ҳеч ўйлаб ўтирмасдан стадионга қараб йўл олардим! Мана, масалан, кечаги ўйин...

— Зўр бўлди! Ақлингизга балли, ақлдош... Худди сиз айтгандек, мана, неча йилдирки, стадион менинг ҳам иккинчи ошёнимга айланган. Фақат шу жойдагина қалбим таскин топади. Яхши ўйин бўлган кун — менинг учун энг оромли тун. Мана, масалан, кечаги ўйин...

— Зўр бўлди! Яна бир бор ташаккур сизга! Чунки дарди ҳасратингиздан маълум бўлдики, бу борада ҳам иккаламиз ҳақиқий ишқибоз, ҳатто «қариндош» эканмиз...

— Ҳа, энди ўйин зўр бўлгач! Айниқса, кечагиси... Бу биродар, кеча қизиқ устида эътибор бермабман. Ўйин охирида қанақа ҳисоб билан тугаганди?

— Ўйин зўр-р... Нима дедингиз? Буни қаранг, мен ҳам қаттиқ ҳаяжонда... Э, шошманг, ўзи кеча ким билан ким ўйнаганди?!.

**Муҳаммад ОЧИЛ**

# БОЛАНИНГ БЕҒУБОР ОЛАМИ

**Дадасининг дадаси**

Икки ёшли Орифжондан сўрашди:

— Кимнинг ўғлисан?

— Дадамди.

— Даданг кимнинг ўғли?

— Мени...

**Қайси бозойдан**

Икки ярим ёшли Манзурага ҳовли супуриб юрган келинчакни кўрсатишди:

— Ана, тоғангга келинчак олиб келдик. Бориб кўриш.

Манзура ҳайрон боқиб, аста деди:

— Қайси бозойдан олдилалинг?

**Энди кетма**

Уч ёшли Нурилло келинчак бўлиб кетиб, “келин чақирди”га келган опасига шивирлади:

— Энди кетма. Анув ўсмаларингди қўшни қизлар узиб кетяпти.

**Боплади**

Тўрт ёшли Салимтой ойисига мақтанди:

— Кучугим айтганимди қилмовди, бопладим.

— Вой, нима қилдинг?

— Ялоқдаги сутини ичиб қўйдим.

**Митти “хотинбоз”**

Беш ёшли Сарвар кўчадан келиб, бобосига деди:

— Опоқи, энди Йаҳимани омийман, бошқага уйланаман.

— Майли, майли, — кулди бобоси. — Кимни оладилар?

— Анув Саври энам (80 ёшли қўшни кампир)ди оламан. Пулиям кўп, ҳовлисидаги анжирлариям пишган.

**Тўпловчи: Йўлдош СУЛТОНОВ**

# Албатта боксчи бўламан...



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

*Азиз газетхон!*

Севимли газетангиз —«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га 2012 йил учун обуна бошланди. Обуна туманларнинг матбуот тарқатиш бўлимлари, «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамиятининг почта бўлимлари, шунингдек, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилади.

Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш дўконлари орқали ҳам газетамизга обуна бўлишингиз мумкин. Ҳурматли муштарий, агар сиз «ЎзАС»га вақтида обуна бўлсангиз ижодий мулоқотимиз йил бўйи давом этаверади.

Нашр кўрсаткичимиз —222.

ОБУНА — 2012

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

ҲОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 uzas@b2c.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб – Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ
Саҳифаловчи – Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.18

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 5035 Буюртма Г — 944. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН